

ШАЙХ ЭШОН ЗУХРИДДИН ҚОРИ НАҚШБАНДИЙ ШАҲРИХОНИЙ

ХОЖАГОН–НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДА

**ҲУФИЯ ЗИКР
ОДОБЛАРИ**

Нашрга тайёрловчи:
Масъул муҳаррир:

**РУСТАМ ҲАМРОҚУЛОВ
НАБИ ЖАЛОЛИДДИН**

Ушбу китоб Ҳазрат Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги ва Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбандий ал-Бухорийнинг 685 йиллигига бағишланади.

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуслари билан 2002 йил Вазирлар Маҳкамаси “Ҳазрат Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилганди. Бу қарор асосидаги тадбирлар ЮНЕСКО раҳномалигида бўлиб ўтди. Ҳазратнинг барча асарлари халқимиз мулкига айлантирилди.

Нақшбандия тариқати етти асрлик тарихий даврга эга ва у ўзининг жўғрофий ҳудудларини тобора кенгайтириб бормоқда. Бу эса мазкур тариқатдаги ҳуфия зикр қоидаларининг муаян жузъий ўзгаришларига сабаб бўлмоқда. Ушбу китоб Марказий Осиёда Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан то ҳозирги вақтгача ўзгаришсиз амалда бўлган ҳуфия зикр одобларини баён қилиб беради. Китоб ҳуфия сулук ихлосмандларига ҳавола этилади.

ИККИ ОҒИЗ

Истиқлол шабадалари эса бошлагач, яъни 90-йилларнинг бошларида муқаддас динимиз Исломга ва айниқса, тасаввуфга оид китоблар кўплаб нашр этила бошлади. Уларда асосан тариқатларнинг тарихи ва назарияси ёзилган эди. Кейинроқ эса аҳли тариқат ва тасаввуф одоблари ҳақида ҳам яхши китоблар пайдо бўлди. Бироқ у китоблар анча ибтидоий ва амалий асоссиз эди.

Зухриддин Эшон ҳазратларининг ушбу китоби эса шуниси билан ҳам қимматлики, у узок йиллар улуғ пирлар хизматида бўлган, уларнинг таълимини олган ва ўзи ҳам комил пир даражасига кўтарилган инсоннинг амалий, руҳий ҳамда иршодий тажрибаларига асосланган. Китобдан тариқатга кирмоқликни ихтиёр этган солиқ ўзининг барча саволларига жавоб топиши мумкин (пирнинг руҳий таъсири бундан мустасно). Фақат бу илмга бағоят эҳтиёткорлик ва чин дилдан ёндошмоқ шарт.

Азиз биродар!

Нийятингиз муборак бўлсин. Сизга Аллоҳ мададкор ва улуғ пирларнинг руҳлари йўлдош бўлсин.

МУҚАДДИМА

Ошиқлар қалбига назар қилгувчи ва ўз тажаллиёт нури ишқини ато этувчи, дилда ҳосил бўлган фикрни тилга келгунча билгувчи, аввалу охир, зоҳиру ботин, жалолу жамол, нурил ҳақ бўлган Аллоҳ Ҳақ субҳонаҳу ва таолога беадад ҳамду санолар бўлсин. Ўттиз уч минг асҳоблар яловбардори бўлган, ҳақ ризоси учун комилликка еткурган, охир замон умматлари фазилатини ўз замони умматларидан фазилатли билган икки олам сарвари Ҳазрат Саййиди коинот Муҳаммад Мустафо соллоллоҳу алайҳи васалламга туганмас саловати шарифлар бўлсин.

Не хуш замонлар бўлдики, мустақиллигимиз шарофати ила ислом оламининг нозик мусаффо қирралари бўлмиш тасаввуф дарвозалари очилиб, маърифат, ҳақиқатга ташна қалблар бу денгиз уммонида ювилиб мавж ура бошладилар. Алломалар, авлиё – анбиёлар ҳақидаги рисоалар, уларнинг асарлари кенг омма эътиборига ҳавола этила бошлади. Ҳазрат Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Ҳазрат Хожа Шоҳи Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандий Увайсий ал-Бухорий ҳам ана шундай улуғ зотлардан бири эдиларки, ул зотлар ҳақида ҳам таъриф ҳам тавсифга ҳожат бўлмас. Чунки Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний асос солган хожагон тариқати ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд давом эттирган нақшбандия сулуки Ислом оламида машҳурдир. Улуғ боболаримиз Амир Темур, Хожа Аҳрори

Валий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Бобурлар ҳам накшбандия сулукига мансуб бўлганлар.

Шунинг учун ҳам президентимиз И.А.Каримов “Ислом дини – бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифатдир. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон деб қабул қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлиб, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар”, деб таъкидлаган эдилар.

Баҳоуддин Накшбанд пиримизнинг машҳур “Дил ба ёру даст ба кор”, яъни “Дил Аллоҳда, қўл ишда”, “Хилват дар анжуман”, яъни одамлар орасида бўлсанг ҳам кўнглинг Аллоҳ билан бўлсин деган шиорлари бу йўл қандай йўл эканлигини кўрсатади.

Бирон бир касб эгаси бўлиб, ҳалол тирикчилик қилиб ўз ризқингизни топиб юришингиз, қалбингиз эса Аллоҳни доимо ёд этишлиги, яъни овоз чиқармасдан қалбингизга назар солиб Аллоҳни ҳуфия зикр қилиб юришлиқдир. Баҳоуддин Накшбанд бу йўлни бир таълимот даражасига кўтаришга, сўфиликни турмушга, инсон ҳаётига яқинлаштиришга муваффақ бўлди.

Баҳоуддин Балогардон инсон устига тушувчи балони қайтарувчи, тўсувчи маъносида, Накшбанд дегани эса матога накш тўқувчи ва ўз шогирдлари қалбига Аллоҳ исмини накш қилиб муҳрлаган, маъносида тушунилади. Шунинг учун бу йўлда юривчилардан ҳар хил балолар кўтарилади ва қалблари Аллоҳ нурига тўла бошлайди. Кўнгил хотиржамликка эришади.

Ҳозир дунёнинг кўп минтақаларидаги турли ирку миллат вакиллари накшбандия тариқатининг усул ва одобларини ўрганишмоқда ва мазкур тариқатга мурид бўлишликлари ила фахрланадилар. Бу йўлдан бормоқликни ўзлари учун ифтихор деб биладилар. Маълумки шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат инсонни камолотга етакловчи мақомлардир. Шариат ҳукмлари Аллоҳ томонидан фарз, Пайғамбар алайҳиссалом томонидан суннат қилиб берилгандир. Шариат ёнғокнинг пўсти бўлса, тариқат пўст ичидаги мағиздир, ҳақиқат эса мағиз ичидаги ёғидир. Дарҳақиқат, ёғ мағизсиз, мағиз эса пўстлоқсиз ҳосил бўлмайди. Лекин шариат ҳукмларига амал қилиб икки дунё саодатига эришса бўлади, аммо тўла маънодаги маънавий етукликка эришиш учун Аллоҳ маърифатини ҳар томонлама ўрганмоқ учун янада баркамол бир даражага етмак учун эранлар тариқат йўлига кирадилар.

Шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат бир-бири билан боғлангандир. Шариат Исломнинг беш аркони иймон, намоз, рўза, закот, ҳажга риоя этишдир. Бу ҳукмлар аниқ, ҳамма унга амал қилиши даркор. Тариқатни эса қидирмоққа тўғри келади, бу иш саъйи-ҳаракат билан риёзат чекиш ила ҳосил бўлур. Тариқатда баён бор, бу йўлда хизмат қилмоқ керак. Ҳақиқат, унда Ҳақ кудратини кўрасан, у сенга аён бўлур. Бунга улуғ ҳиммат билан эриша олиш мумкин.

Шариат - “қонун”, тариқат – “йўл”, “қонун” вужудни тарбиялайди, “йўл” қалбни поклаб, руҳни нурлантиради.

Ҳикмат билан етдилар бу йўлга мардлар,
Ҳикмат билан топилур унинг нишони.

ТАРИҚАТ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН ?

Маълумки, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат инсонни камолотга етказувчи мақомлардир. Ҳақ таоло бандаларига юборган ҳукмларига ва Расулulloҳ с.а.в. умматларига кўрсатган кўрсатмаларига амал қилишлик – шариатдир. Расулulloҳ с.а.в. ўзлари амал қилган йўллари – тариқатдир. Тариқат Расули Акрамнинг с.а.в. меърожга чиққан вақтларидан бошлангандир.

Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом Расули Акрам с.а.в. га Ҳақ таолонинг саломини етказди ва меърожга таклиф қилинаётганлигини айтади. Сўнг Муҳаммад алайҳиссалом Жаброил алайҳиссалом билан Аксо масжиди (ҳозирги Исроил давлатининг қуддуси шариф) дан йўл олдилар. Осмонга кўтарилаётиб Буроққа минди (отга ўхшаш жонивор), фалакка кўтарилганда Буроқ чарчади. Сўнг Рапрап деган жониворга минди ва Жаброил алайҳиссалом билан Аллоҳ таоло ломаконига етдилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом айтдиларки: “Аллоҳ ломаконига етдик, менга ломаконга ўтгани руҳсат йўк”, - деб айтди. Шунда Аллоҳ таоло бир елкани пайдо қилди ва: “Оёғингизни кўйинг ва Мен томонга юринг”, - деб айтди. Расули Акрам с.а.в. муборак оёқларини елкага кўйди ва ломаконга етди.

Аллоҳ билан роз (савол-жавоб) айтишди. Ҳазрат Мусо Тур тоғида Аллоҳ таоло билан ўн саккиз минг бор роз айтишган эди. Расули Акрам с.а.в. Аллоҳ таоло билан тўқсон тўққиз минг маротаба роз айтишдилар. Ҳақ таоло томонидан Расули Акрам с.а.в. умматларига енгиллик қилиб намоз беш вақт,

рўза бир ой этиб белгиланган. Бошқа пайғамбар умматлари 20 ёки 40 вақт намоз ўқишар, 2 ёки 3 ойлаб рўза тутишар эдилар.

Сўнг Аллоҳ таоло Расули Акрам с.а.в.га: “Тилак тиланг”, - деди. Расулуллош с.а.в.: “Менга жамолинг, дийдоринг керак”, - дедилар. Аллоҳ таоло: “Тоғни олтин қилиб берай”, - деди. Расули Акрам с.а.в.: “Менга дунё моли керак эмас”, - деб айтдилар. Шунда Ҳақ таоло: “Юқори қаранг”, - деб ўз хабиби Расули Акрамга с.а.в. марҳамат қилдилар. Расули Акрам с.а.в. юқорига қараб бир суратни кўриб хушидан кетдилар. Бу ҳол уч бор такрорланди. Расули Акрам с.а.в. сўрадиларки: “Бу қай суратдир?”. Аллоҳ таоло жавоб бердиларки: “Бу фақирлик суратидир”. Бир оз сукунатдан сўнг Аллоҳ таоло ўз хабибидан: “Сўранг”, - деди. Расулуллош с.а.в.: “Фақирлик суратидан бошқа сурат керак эмас”, - деди. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтдики: “Сизга Куръони каримдан Жаброил алайҳиссалом устоз эди. Тариқатдан Жаброил алайҳиссалом устоз бўлмаслиги учун ўз хузуримга чорладим”.

Ҳақ субҳонаху ва таоло томонидан Расули Акрам с.а.в.га тариқат вазифалари ва сир-асрорлари тажаллий нури илоҳий билан таълим берилди. Расулуллош с.а.в. етмиш минг мақомдан ўтиб кетдилар. Валийзода кутблик мақомига етдилар.

Аллоҳ таоло хузуридан тушаётиб, валийлик даражасини топганликлари учун унга на Бурок, на Рапрап, на Жаброил алайҳиссалом даркор эди. Қуш сингари учиб Маккаи Мукаррамага тушди. Эртасига саҳобалар муборакбод этгани келдилар.

Шундан сўнг тариқатнинг тўрт усули мавжуд бўлди.

1. Хуфия зикр таълимоти ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа берилди. Хожагон-Нақшбандия тариқати шу таълимотга таянган.
2. Жаҳрия зикр таълимоти ҳазрат Умар розияллоху анҳуга берилган. Хожа Аҳмад Яссавий тариқати шу таълимотга таянган.
3. Қубрия зикр таълимоти ҳазрат Усмон розияллоху анҳуга берилган.
4. Ишқия зикр таълимоти ҳазрат Али муртазо розияллоху анҳуга берилган.

Набий с.а.в. дедилар: “Ман тақорраба фи силсилати фалайси минни”, яъни “Ҳар кимки аҳли сулук тариқат йўлини хор тутса, менадан эмас”. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий айтганки: «Бу йўл талабида бўлганлар куйидагиларга амал қилишлари шартдир: «Ат-тариқату куллухо одобун, би кулли холинг адабун ва би кулли мақомин адабин, фа-ман лозама-л-адаба балаға мубаллағи-р-рижол». Тариқат йўли одобдан иборатдур, ҳар бир ҳол ва ҳар бир мақомнинг одоблари бор, кимки одобни ушласа уни балоғат аҳлининг балоғатига етказди. Одоб бу-хулкни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир». Расулуллош с.а.в. саҳобларга айтарди: «Барчаларингиз тариқат аҳли бўлинглар, тариқат одоби бўлинглар. Ҳар тариқатнинг ўзига яраша усули бордир. Ким тариқат йўлини маҳкам тутса албатта мақом эгаси бўлади. Бу мақом билан авлиёликка етишади ва менинг шафоатимдан насибадор бўлади.

Тариқатда юрувчи инсон Аллоҳнинг хос ошиқлигига ҳаракат қилади ва уларнинг ботинидаги кечмишларини Аллоҳдан ўзга билмайди. Хатти ҳаракатларини бир кўришда англаб олиш мушқилдир.

Тариқатда юрувчи инсон Аллоҳ ошиқларидан бўлишлиги учун аввало қалбидаги беш латоифни, мақомни ҳаракатга келтириши лозимдир. Ҳар бир латоиф ўз вакилларида иборатдир. Шайх Муҳаммад Шариф Хусорий қуддиса сирриху таърифига кўра латоиф бу: “Аллоҳ таоло тарафидин бандага ишоратдурки, ибрат бирлан таъбир қилиб бўлмайдур, балки ҳис этадур”. Солик бу мақомларни зикр айтиш, риёзат чекиш, Худованди Карим инояти билан валийлик даражасига етқарилади.

Биринчи- қалб латоифи, қалб латоифига етишишлик билан солик Одам Ато алайҳиссалом ҳазратлари мақомига етишади. Иккинчи- руҳ латоифи. Руҳ латоифига етишишлик билан солик ҳазрат Нух ва ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломлар мақомига етишади. Учунчи- сир латоифи, сир латоифига етишишлик билан солик ҳазрат Мусо алайҳиссалом мақомига етқарилади. Тўртинчи- латоифи ҳафи. Ҳафи латоифига етишишлик билан солик ҳазрат Исо алайҳиссалом мақомига етишади. Бешинчи- латоифи аҳфо. Аҳфо латоифига етишишлик билан солик ҳазрат Саййиди коинот Муҳаммад Мустафо салоллоху алайҳи васаллам мақомига етишади.

Аллоҳ дўстлигига етишган инсон қалби илоҳий нурга тўлади ва ботиний кўз билан дунёю охиратни кўра олади.

وَكَفَىٰ بِاللَّهِ وَلِيًّا وَكَفَىٰ بِاللَّهِ نَصِيرًا

“Валийликка Аллоҳнинг ўзи кифоя қилур, ҳар бир валийга нусрат бергувчи Аллоҳнинг ўзи кифоя қилур. Аллоҳга валийлар дўстдур. Ким дўст тутса Аллоҳга етур, ким душман бўлса жазосини Аллоҳ берур”. (Нисо, 45-оят).

ХОЖАГОН - НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВА УНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Хожаи Жаҳон кутбул замон, авлиё Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний куддиса сирриху хожагон-нақшбандия тариқатининг бошловчиси, Бухорои шарифдаги етти пирнинг аввалги устозларидан ҳисобланади. Ул зот 1103 йил Гиждувонда туғилиб, 1179 йили шу ерда вафот этганлар. Гиждувонийнинг ота-онаси асли румлик бўлиб, отаси Абдулжамил ўз даврида зоҳир ва ботин илмларини эгаллаган шариф инсон бўлганлар. Бу мухтарам ота-она Ҳизр алайҳиссалом ишорати ва машварати ила Бухорога кўчиб келадилар ва бу ерда ўғил кўрганлар ва унинг исмини Абдулхолиқ (яратувчи Худонинг бандаси) деб атаганлар.

Гиждувонда ёш Абдулхолиқга Имом Садриддин деган олим ва фозил киши устозлик қилиб таълим тарбия беради. Шариат илмларини ўқиб ўрганиб юрган пайтларида тасаввуфга қизиқиб қолади. Бир кун устозларига тафсир ўқиб турган вақтларида,

ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً

“Роббингизга зорланиб ва хуфия ҳолда тилак тиланг, У ҳаддидан оширгувчиларни ёқтирмас”, (Аъроф, 55-оят) деган оятга етадилар. Устозлари Мавлоно Имом Садриддиндан: “Ҳақ субҳонаху буюрган хуфия қайси ва қай тариқа бўлади? Агар зикр айтувчи зикрни овоз чиқариб айтса ёки зикр айтаётганда бирорта аъзосини қимирлатса, бошқалар ундан хабар топиб қолади ва хуфия ошкор бўлади. Агар дилида айтса: “Аш-шайтону яври фи ибни Одама мажра-д-дамми”, яъни “Шайтон Одам фарзандлари ичида қон билан оқиб юради” ҳадисига мувофиқ шайтон воқиф бўлади”, деб сўрадилар. Устоз дедилар: “Бу илми ладунийдир. Мана бу: وَعَلَّمَآهُ مِنْ لَدُنَّا عِلْمًا” Ва аламноху мин ладунно илман”, яъни “Ва биз унга ўз ҳузуримиздаги илмдан ўргатдик”, ояти карима шунга ишорадир. Агар Ҳақ субҳонаху ва таоло хоҳласа авлиёлардан биротасини сенга етказди ва у сенга таълим беради”. Ҳазрат Абдулхолиқ мана шу иноятга доимо мунтазир эдилар.

Иттифоқо бир куни унга Ҳизр алайҳиссалом йўлиқади ва Абдулхолиққа: “Ҳавзга тушиб мусаффо сувдан култ қилгину дилингда: “Ла илаҳа илаллоҳ, Муҳаммадур Расулulloҳ” калимаи тоййибани такрорлаб айт”, дейди. Абдулхолиқ ўшандай муборак амални бажаради ва бу шариф амал – зикри хуфиянинг ибтидоси, бошланиши бўлди. Кейинроқ у Хожа Юсуф Ҳамадонийга ҳамсуҳбат ва мурид бўлиб, тасаввуфий билимларини ва мақомини юксалтиради.

Ўша даврда Бухорои шарифда машҳур мутасаввуф Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳам зикри хуфия, яъни зикри дил тарафдори эди. Улар Бағдод, Исфаҳон, Балх, Марв, Самарқанд шаҳарларига сафар қилиб, Бухорои шарифда яшаб қоладилар ва бул муборак маъвода Абдулхолиқ Гиждувоний Хожа Юсуф Ҳамадонийдан тарбият топади. Гиждувоний Ҳамадонийга мурид бўлганларида 22 яшар йигит эди. Гарчи, Юсуф Ҳамадоний аввал зикри алония (зикри жаҳрия)га муътақид бўлса ҳам, Ҳизр алайҳиссалом иршоди ва кўрсатмаси билан зикри дил билан машғул бўлади.

Шуни тақидлаб ўтиш керакки, Хожагон – нақшбандия тариқати, умуман тасаввуф тариқатининг Марказий Осиёга кириб келиши X-XI асрларда тариқат пешвоси буюк мутасаввуф Абу Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ, Юсуф Ҳамадоний шу даврда Бухорога кўчиб келади ва атрофидаги ерли халқ вакиллари билан иборат юзлаб муридларга тасаввуф ва ўзи мансуб тариқат аҳкомларидан таълим беради. Кейинчалик унинг муридлари орасидан тўрт забардаст сўфий, ориф, замонасининг етук маърифатпарвар кишилари етишиб чиқади. Булар Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний.

Абдулхолиқ Гиждувоний хожагон номи билан алоҳида ирфоний хусусиятга эга бўлган тариқатга асос солди. Шу тариқа Хожа Юсуф Ҳамадоний тортиб келган “Силсилаи шариф” - “Олтин занжир” Араб давлатларидан Ўзбек диёрида давом этди.

Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний хожагон-нақшбандия тариқатининг етук муршидларидан, унинг ривожига улкан ҳисса қўшган пири комилдир. Ул зот, биринчидан, хожагон сулукида хуфия зикрни бошлаб берган бўлса, иккинчидан, устози Хожа Юсуф Ҳамадоний томонидан ишлаб чиқилган ва хожагон-нақшбандия тариқатининг бош шиорига айланган “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” коидаларига яна тўртта: “ёдкард”, “бозгашт”, “нигошдошт”, “ёддошт” каби рашҳаларни илова қилди. “Калимоти қудсия” деб аталувчи бу рашҳа-қоидаларга унинг издоши ва маънавий фарзанди Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари яна учта: “вуқуфи замоний”, “вуқуфи ададий”, “вуқуфи қалбий” коидаларини илова қилиб, нақшбандиянинг яхлит назарий тизимини,

тамойилини шакллантирганлар ва сулук тарбиясини янада ривожлантирдилар. Шу боис Абдулхолик Гиждувоний ҳазратлари “сархалқаи силсилаи нақшбандия” номи билан улуғланганлар.

Хожа Абдулхолик ҳазратлари пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бошланган тариқат силсиласида Хожа Юсуф Ҳамадонийдан кейин ўнинчи халқа пиридир. Хожа Абдулхолик Гиждувоний ҳазратлари вафотидан сўнг силсилани Хожа Ориф Ревгарий давом эттирди, сўнг Хожа Махмуд Анжир ал-Фағнавий, сўнг Хожа Али Ар-Рометоний, сўнг Хожа Муҳаммад Бобои Самосий, сўнг Саййиди Амир Меҳри Кулол, сўнг Хожа Баҳоуддин Нақшбандий увайсий ал-Бухорийдир. Хожа Абдулхоликнинг муборак руҳи шарифлари Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларини тарбият қилганлиги учун у зот Баҳоуддин Нақшбанднинг увайсий-маънавий пири ҳисобланади. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига зикри ҳуфияни ўргатган ҳам ул зоти азиздир.

Хожа Абдулхолик Гиждувоний ҳазратлари тариқат пири, муридлар тарбияси амали билан бир қаторда, “Васоё”, “Мақомати Юсуф Ҳамадоний”, “Аз гуфтори Хожа Абдулхолик Гиждувоний” каби асарлар муаллифи ҳамдир.

Хожаи Жаҳон ҳазратларининг панд-насихатлари ўзликни англаш, ахлоқни, ботинни тузатиш, қалб имкониятларига йўл очиш, маърифат сиридан воқиф бўлиб, сайру сулукни камолга етказишда муҳим асослардан ҳисобланиб, инсонни Ҳақнинг суюкли бандаларидан бўлишга даъват этади.

Пири комил Баҳоуддин Нақшбанддан 139 йил олдин Хожа Абдулхолик Гиждувоний бу дунёдан ўтганлар. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари Бухоронинг Ҳиндувон қишлоғида 1318 йили таваллуд топганлар ва рихлат қилган вақтлари 1391 йилдир. Ҳазрат Бобои Самосий бу жойлардан бир неча бор ўтганларида шу ердан бир эран дунёга келиши ва халқни ҳуфия зикр таълимотига ўргатиши, халқдан ҳар хил балоларни кўтаришини башорат қилган эдилар. Ва ул муборак зот туғилганларида уни маънавий фарзандликка қабул қилганлар ва Баҳоуддин Балогардон- балолардан қайтарувчи деб номлаганлар. Бу зотнинг тарбиясини Ҳазрат Саййиди Амир Меҳри Кулолга топширганлар. Ул зот ўз замонасининг етук алломаси қутбул замон бўлиб етишадилар ва халқни Ҳақ йўлига даъват этганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд яшаган давр (XIV аср боши) ижтимоий ҳолатига назар ташлайдиган бўлсак, Мовароуннаҳр ижтимоий ва руҳий маънавий таназзулга юз тутган, мўғул истилочилари қолдирган ҳароботлар узра миллий тушқунлик манзарасига дуч келамиз. Халқимиз ўз миллий қадриятларини қайта тиклаш, бир неча минг йиллик маданий анъаналарини мавжуд ижтимоий тузум тартибларига риоя қилган ҳолда қайта қарор топтириш учун бир буюк зарурият сезмоқда эди. Миллий мафкура боши берк кўчага кириб қолган, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо с.а.в. даврларида қарор топган исломий ҳурлик ўрнига диний мутаасиблик, таркидунёчилик авжга чиққан бир даврда яна тасаввуф майдонга кириб келди. Бир томондан Соҳибқирон Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий соҳадаги, иккинчи томондан Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳият ва маънавият иқлимидаги ислохотлари бошлаб юборилди.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий-маънавий ислохотлари миллий-маънавий тушқунлик ифодаси бўлган қаландарлик, дарвешлик каби таркидунёчилик иллатлари авж олган бир давр тақозосига кўра майдонга келди. Ҳазрат Нақшбандга қадар “Дил ба ёр” бўлиб келган тасаввуфий таълимотга айна шу Мовароуннаҳрда “Даст ба қор” калимаси қўшилди. Бу ўз даври учун руҳий-маънавий инқилоб даражасида эди. Шунинг учун ҳали Ҳазрат Нақшбанд ҳаёт пайтларидаёқ бу таълимот амирликлар, хонликлар томонидан тез ўзлаштириб олинди, давлат ва жамиятнинг етакчи ғоясига айланди.

Тасаввуф (сўфийликда) бир неча сулуклар мавжуд. Масалан, Сухравардия, Кубравардия, Қодирия, Чаштия, қаландария ва бошқалар. Ҳазрати Хожа асос солган сулук Нақшбандия деб аталади.

Нақшбандия сулукининг юқоридаги сулуклардан бир қанча фарқли томонлари мавжуд:

Биринчидан, нақшбандия сулуки қўл меҳнати билан, ҳалол тер тўкиб ҳаёт кечиришга тарғиб қилади. Ҳазрати Хожанинг машхур “дил ба ёру даст ба қор” (дил ёрда, қўл ишда) деган сўзлари ана шуни ифодалайди. Ҳазрати Хожа ўз овқатларини зироат орқали топар, ерларига дон, сабза, турп, пиёз экар, чорва-хайвонларидан доимо бохабар бўлиб турардилар. Бу эса Расулulloҳнинг с.а.в. суннатларига мувофиқ эди. Расулulloҳнинг с.а.в. ўзи “Ҳақиқий мусулмон бу дунёни деб, у дунёсини ташламайди, у дунё деб, бу дунёсини қўлдан бермайди”, деган эдилар. Нақшбандия сулукига кирган кишилар оиласини обод қилиш, мамлакатга қараш, савдо-сотик билан шуғулланиш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлганлар. Шунинг учун ҳам бу сулук тез ривожланиб, кенг ёйилган.

Иккинчидан, нақшбандия сулукидагилар бошқа сулукдагилар каби “зикри алония” билан эмас балки “зикри ҳуфия” билан шуғулланганлар. Зикри алонияда муридлар пир олдига йиғиладилар, рақсу

самоъ қиладилар, яъни кимдур тасаввуфона ғазалларни оҳанг билан ўқийди, бошқалар эса ракс билан зикрга тушадилар. Улар Аллоҳ исмини ёки “ла илаҳа иллаллоҳ” зикрини овозлари борича бақириб айтадилар. Зикри алония шуғулланишга анча қийинчилик туғдиради. Шунинг учун Ҳазрати Хожа уламо ва дарвишларни тўплаб, ўз пири Амир Саййид Кулол олдига борадилар ва зикри алониядан воз кечишни сўрайди, бироқ рад жавобини олади.

Зикри хуфияда эса муридларнинг бир ерга тўпланиши шарт эмас, ҳар ким ўз уйида шуғулланаверади, шовқин сурон, раксу самоъ бўлмайди. Мурид исми зот “Аллоҳ”, нафи исбот (ла илаҳа иллаллоҳ)ни дилида айтади. Зикри хуфия билан шуғулланиш, нафи исботни тоқ сонда тугатишни Абдулҳолиқ Ғиждувонийга Ҳизр алайҳиссалом таълим берган, улардан эса Ҳазрати Хожага ўтган эди. Зикрни хуфия айтиш кўпчиликка қўл келар, оддий хунардандан тортиб, то давлат арбобигача кундузи ишлаб, кечаси бу зикр билан шуғулланиш имкониятига эга эдилар. Кўпгина подшоҳлар, жумладан шайбонийлардан Убайдулла Султон (Убайдий)нинг пирга қўл берганликлари ва бу зикр билан шуғулланганликлари ҳақида маълумотлар бор. Ҳатто Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳам Баҳоуддин Нақшбандни етмиш иккинчи пир деб тутганлар. Ҳозирги ҳолатларда ҳам Самарқандда ғўри-Амир мақбарасида Соҳибқироннинг ўнг тарафларида Саййид Мир Барака қабрлари, чап тарафларида эса Саййид амири Меҳри Кулолнинг ўғиллари Шайх Умар қабрлари бор.

Учинчидан, нақшбандия сулукига мансуб валийларда беморлардан касалликни ўзларига тортиб олиб, сўнг иллатни ўзларидан чиқариб ташлаш қувватига эга эдилар. Бошқа сулуқларда эса касалликни тортиб олиб, уни қайта ҳайдаб юбориш қуввати бўлмаган.

Тўртинчидан, нақшбандия сулукидаги авлиёлар кароматфурушликка кескин қарши бўлганлар. Муриднинг асосий мақсади маънавий ва руҳий покланиш, Аллоҳга етишиш ва ваҳдат ҳосил қилишдан иборат. Ҳазрат Хожа мусулмонлар оғир ҳолатга тушуб қолганларидагина каромат кўрсатардилар. Бошқа ҳолларда эса солиқларни қизиқтириш ва уларга адаб бериш мақсадидагина бу ишга қўл урганлар. Ҳазрати Хожа ҳузурига қуш каби учиб келган авлиёга маҳлиё бўлиб қолган муридларга қарата “Пашша ҳам уча олади” деган эдилар.

Ҳазрати Хожа ўзларининг кучлари ҳамда авлиёлик қувватлари билан одамларни маънавий ва руҳий поклашга, халққа жафо етказаётган золимларнинг пайини қирқишга, халқ оммасини илму-маърифат билан қуроллантиришга, Расулаллоҳ с.а.в. суннатларига тўлиқ амал қилиб, динни бидъатлардан тозалашга ҳаракат қилдилар. Халқ ичида бу зотнинг шу қадар обрў эътибор топишининг сабаби ҳам ана шундадир.

ТАРИҚАТ ТУШУНЧАСИ

Ҳар илмнинг ўз мавзуи бор ва унда ўша илмнинг моҳияти, ҳодиса-қоидалари ҳақида баҳс боради. Инсоннинг руҳини тариқат одоблари, усуллари орқали парвариш этиш билан бирга уни ғўзал ва ҳамида ҳулқ-атворли, фазилатли қилиб етиштириш мумкин.

Тариқат деб, луғатларда “тўғри йўлни” айтадилар. Яъни солиқ маънавий-ахлоқий покланиш босқичларини босиб ўтиш ва бу даража-мартабаларда тараққий этиш ҳислати, йўл-йўригини билдиради. Тариқатнинг асли учта: дам (нафас)-айтилиши лозим бўлмаган нарсалар ҳақида сўзламаслик. Қадам-маън қилинган ишларга қадам қўймаслик. Карам-керакли иш билан шуғулланиш ва иш пайтида қалб тоатини қанда қилмаслик талабларидир.

Шариат ва тариқат бир-бирига боғлиқдир ва шу ўринда бир-биридан фарқи ҳам бордир. Агар шариат – ислом қонун қоидаларини ўрганишлик, яхши ва ёмоннинг фарқига боришлик, баданни зоҳиран тарбият этишга интилишдир. Тариқат эса – иймон йўл-йўриқларини ўрганишлик, қалбни тарбия этишлик ва ботиний қувват ҳосил қилишлиқдир. Ҳақни танишда шариат аввалги мақом бўлса, тариқат кейинги мақомдир.

“Ислом” калимасининг ўзаги “таслим”дир. Баданда зоҳиран ва ботинда илоҳий буйруқ ва тақиқларга тамоман таслим бўлган муслим бўлади. “Иймон” атамасининг ўзаги “амн” омонлик, хотиржамлик сўзидан келиб чиққани учун бундай киши ҳақиқий мўмин бўлади, хотиржамлик-осойишталикда яшайди. Иймон – бу тасдиқлашдир. Яъни мусулмон кўнглини, тилини, баданини илоҳий амру тасдиқларга таслим қилган кишидир. Кўнгли, тили ва бадани тасдиқлагани учун иймон исломга айланади. Бир киши иймон йўлига кирса, маълум бўладики, таслимият ва исломияти ҳам

дурустдур. Чунки мўмин иймонли инсондир. Демак, бирор киши Ҳақ билан бирга бўлиши учун ўзини илоҳий амр ва наҳийларга батамом таслим қилиши шарт.

يَا قَوْمِ إِن كُنتُمْ آمَنْتُمْ بِرِئَاسَةِ اللَّهِ فَعَلَيْهِ تَوَكَّلُوا وَإِن كُنتُمْ مُسْلِمِينَ

“Эй қавм, агар Аллоҳга иймон келтирар экансиз, демак, мусулмон бўлсангизлар, Унинг ўзигагина суянинглар – таваккул қилинглар” (Юнус, 84-оят) оятида ҳам ислом ва иймон калималари бир хил маънода қўлланилган. Бу исломнинг иймон эканлигини исботлайди.

Иймон ва ислом орасида фарқ борлигига эса Жаброил алайҳиссаломнинг Муҳаммад алайҳиссалом билан қилган савол-жавоблари мисол бўла олади. Жаброил алайҳиссалом сўрайди: “Ислом нима?”. Муҳаммад алайҳиссалом жавоб бердилар: “Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад алайҳиссалом унинг элчиси эканлигига гувоҳлик беришинг, намоз ўқишинг, закот беришинг, Рамазон рўзасини тутишинг, ҳажга боришингдир”. Жаброил алайҳиссалом сўрадилар: “Иймон нима?”. Муҳаммад алайҳиссалом жавоб бердилар: “Аллоҳга, Фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, ўлгандан кейин тирилик ҳисоб-китоб қилишига, тақдирга яъни ҳар қандай яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг иродаси билан бўлишига ишонишингдир”. Жаброил алайҳиссалом Муҳаммад алайҳиссаломнинг жавобларини тасдиқлаб, “Рост айтдинг”, деди. Чунки Жаброил алайҳиссалом лавҳил махфуз ва ваҳий мавзуларида амин ишончли эди. Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифати қуръон ифодаси билан айтганда

وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ (۳) إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ (۴)

“Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавои хоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) фақат (Аллоҳ томонидан пайғамбарга) ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир. (Ван-нажм, 3-4-оят).

Диний фикр ва амаллар билан тасалли топиб, ҳаловатга эришган ҳар қандай инсон ислом билан тирикдир. Раббоний оятларни, фаришта илҳомига оид тушунчаларни, самовий китобларнинг ҳикмату насихатларини, Ҳақ таолонинг амру таъқиқларини етказиш учун пайғамбарларнинг юборилишини, Аллоҳнинг илоҳий ҳукми билан юзага келган катта – кичик ишларни кўриб, тафаккур қилувчи ва шу билан фароғат топувчи кишилар эса иймон билан тирикдилар.

Бадан ислом учун ишлайди ва яшайди. Қалб эса иймон учун ишлайди ва яшайди. Кўнгилнинг ёрдамисиз бадан бир иш қилолмайди, бадансиз эса кўнгил мушоҳада ва висолга эришолмайди. Бадан кўнгилга, кўнгил баданга чамбарчас боғлиқ. Баданнинг ислом-мусулмончилиги кўнгил ёрдамисиз, кўнгилнинг иймони эса бадан кўмагисиз руёбга чиқмайди.

Ғайбни кўриш ва идрок этишда қалб пойдевор вазифасини бажаради, бадан эса унга бўйсунди. Кўзнинг кўриши эса бадан пойдевори бўлиб, қалб унга бўйсунди. Биринчи бўлиб кўз кўради, ундан кейин ғайбий тушунча юзага келади. Чунки ислом билан тасалли топишда аввало зоҳирий бадан сўнгра эса иймон билан таскин топишда ботиний қалб асосдир.

Ислом оромгоҳи ва тасалли топиш олаmidан иймоннинг тасалли топиш оламига сафар қилиш учун зикр фикрга, амал мушоҳадага, кўз ғайбга, нафс кўнгилга, ошкоралик яширинликка ва ниҳоят зоҳир ботинга айланиши керак.

Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари ислом ва иймоннинг бир биридан ажралмас эканини қуш мисолида шундай ифодалайди:

*Шариат бошдир,
Тариқат тана.
Маърифат қанотдир,
Ҳақиқат қуш ичинда жону-руҳ.*

Агар илми зоҳир пўст бўлса, илми Ҳақ-ботин илми мағиздир. Шундай ҳолатлар бўладикки, киши саъй-ҳаракат бирла зоҳир илми аҳли суннат ва жамоат ақидаларини қўлга киритади. Бу нав гумонлар, мағрурланишлар ҳақиқат йўлига парда ҳосил қилади. Ва агар кўнглига ҳақиқат тарафидан озгина бўй, яъни баҳра, нишона олса, айтурки, бу мен билган илм ақидага муҳолифдир, бу нав ишлар ботилдир. Бундай кишига ҳақиқат ҳаргиз маълум бўлмас. Ва аҳли суннат ва жамоатнинг ақидалари омма халқнинг ақидаларидурки, бу ақидалар ҳақиқатнинг қолипидир. Айни ҳақиқат эмасдир. Ва маърифат улдирки, ҳақиқат ушбу қолипдан намоён бўлур. Чунки бу шахснинг кўнгли иймон оламини мушоҳада этиш

нурлари билан ойдинлашмаган. Банда нафс ва шахват қуллигидан қутилмаган. Дунё, мақом ва ҳаёт севги пардаси билан дунёда боқийлик орзуси унинг кўнгил кўзида собитдир. Бу ҳолдаги шахснинг тафаккури қоронғу ва ёмғирли бир кечада йўл билмайдиган кишининг юришига ўхшайди. Ҳар қанча юргани билан манзилга етолмайди. Қалби тафаккурнинг илк шарти бўлган қалб зикрини бажармасдан ўз заковатига ишониб Ҳақнинг ягоналиги ва улуғлиги ҳақида тафаккур қилади, бу эса зулмат ва адашишлигини янада оширади. Зеро зикр қалбни юмшатади ва кўнгил кўзини мунаввар этади. Қалб тафаккурини очувчи калит зикрдир. Шу боис Ҳақ таоло

وَأَنذَرْنَا الْيُتُونَ مِنْ أَبْوَابِهَا

“Уйларга эшиклардан киринглар!” деган (Бақара, 189-оят).

Шеърият султони ҳазрат Алишер Навоий шариатдан тариқатга ўтиш йўллари шундай ифодалаган:
Шариатсиз тариқатга ўтиб бўлмас,
Тариқатсиз маърифатни билиб бўлмас.
Маърифатсиз Ҳақиқат асрорин англаб бўлмас,
Агар билсанг ҳаргиз валий бўлмас.

Ўз фаҳму заковатига ғурурланган “оқил”ларнинг энг ёмон бадбахтликларидан бири - Ҳақ йўлининг йўлчиси бўлган валийларга, Аллоҳ дўстларига душманлик қилишлари ва Ҳақнинг лутфу эҳсон – неъматларини инкор этишларидир. Ҳадиси қудсийда Тангри буюрадики: “Ҳар ким Менинг валий қулларимдан бирига душманлик қилса, муҳаққак Мен унга ҳарб очгайман. Ҳеч бир қулим унга фарз қилинган нарсалардан ўзга севимли бир амал ва ибодат билан Менга яқинлаша олмайди. Қулим менга қилган нафила ибодатлари билан ҳам яқинлашмайди. Ниҳоят, уни севгайман. Уни бир қарра севдимми, энди Мен у қулимнинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, шиддатла оғушлайдиган кўли ва юрадиган оёғи бўлмайди. Уни ёмон нарсаларни тинглашдан, ҳаром нарсаларга қўл чўзмақдан, ёмон йўлда юрмақдан асрагайман. Агар мендан бирор нарса тиласа ўшани бергайман. Менга сиғинса, муҳаққак уни ҳимоя этгайман”.

Улар бу дин улуғларидан бўлган аҳлуллоҳнинг дунёдан йироқлиги ва халқнинг илтифотидан узоқлиги, фосиқларга ҳам меҳру шафқатли ва Ҳақ йўлида ҳалим ва сабрли эканликларини ўз кўзлари билан кўрадилар. Улардан Қуръони Карим ва суннатнинг улуғвор маъноларини, сир-асрорини, саҳиҳ ҳукмларини ва очиқ-ошкор ҳақиқатларини қулоқлари билан эшитадилар. Ва ҳар куни уйғонгач, душманликлари тобора ортади. Кўнгил қулоқлари ҳам карлашиб бораверади. Бу залил малъунларни сифатлаб Ҳақ таоло бундай дейди:

فَإِنَّهَا لَا تَعْلَمُ الْأَبْصَارُ وَلَكِنْ تَعْلَمُ الْقُلُوبُ الْوَابِئَاتُ فِي الصُّدُورِ

“Зеро, кўзлар кўр бўлмас, балки кўкракдаги кўнгиллар кўр бўлур” (Ҳаж, 46-оят).

Расулulloҳ с.а.в. айтадилар: “Бало-синовлар пайғамбарларга, кейин валийларга сўнг уларга ўхшаган ва уларга ўхшаганларга берилган”. Бу ерда зикр қилинаётган бало Айюб алайҳиссаломга юзланган бало эмас. Чунки, у бало баданда синалди. Нуҳ алайҳиссаломга юзланган бало эса улуғ эди. У ўз қавмини Аллоҳга қанчалик даъват этмасин, қавми ундан қочарди. Шунинг учун Расулulloҳ с.а.в. баъзи кишиларнинг сўзларидан озор кўрганларида: “Биродарим Нуҳга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин. У бундан оғирроқ азият етганда ҳам сабр қиларди” – деб айтар эдилар. Шунинг учун пайғамбарлар кофирлар балосидан, авлиё ва уламолар жоҳиллар балосидан ҳоли эмас. Алоҳнинг дўстлари бўлмиш маърифат аҳли доимо бало ва иғво тиғига нишон.

Бундай малъунлар тариқат пешволарига берилган илоҳий лутфни рад қилганлари учун бу лутф эшигини ўзларига ёпдилар. Мавлоно Хожа Ҳофиз ҳазратлари айтганки:

Замона охир бўлгай,
Олиму-алломалар шариатда туриб тариқатга эхтилоф қилгай.
Зоҳиран ажойиб хушрўйдир,
Ботин ичра кўри, кар.

Ҳазрат Абдурахмон Жомий эса бу эхтилоф қилгувчиларни кўйдагича ифодалаган
Шариат гули раънодир,

Тариқат ишқи тажаллий нури илоҳий.
Маърифат қалбинг ичра нури Ҳақдир,
Ҳақиқат Аллоҳ нури тажаллий.
Ботин ичра нури маҳмуди Ҳақдир.
Тариқат маърифатга қилма эхтилоф,
Агар эхтилоф қилсанг, кимама билсин,
Бўлурсан мушрик сифат.

Пайғамбар алайҳиссалом Ҳақдан узоқ кимсалар тўғрисида айтганки: “Кўзи кўр киши аъмо эмас, ҳақиқий кўр киши басирати кўр одамдир”. Авлиёнинг пок сифатига ҳурмат назари билан қарамаганликлари ва уларнинг нозик сўзларини эҳтиром билан тингламаганликлари учун авлиёнинг гўзал ахлоқидан, ҳикматларидан ва юксак маъноларидан маҳрум қолдилар. Ҳақ таоло буюрадики:

وَلَا يَحِيقُ الْمَكْرُ السَّيِّئُ إِلَّا بِأَهْلِهِ ۝

“Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилур” (Фотир, 43-оят).

БОТИНИЙ ҚУВВАТ

Худои таборак ва таоло осмонга, юлдузларга айтди: “Омонатимни қабул қилинг”. Юлдузлар жавоб берди: “Тоқат қилмаймиз, кўтара олмаймиз”. Худои таборак ва таоло тоғларга айтди: “Омонатимни қабул қилинг”. Тоғлар: “Тоқат қила олмаймиз, кўтара олмаймиз”- дея жавоб бердилар. Аллоҳ ҳақ субҳонаху ва таоло Одам атога айтди: “Ё Одам, Фаришталарга, Осмонга ва Ерга омонатлар топшироқчи эдим ҳеч қайси бири қабул қилмади, сен омонатимни қабул қил”. Одам ато алайҳиссалом ҳеч иккиланмай: “Қабул қилдим”- деди. Қул Хожасини амрини сўзсиз бажарди. Худои таборак ва таоло бундан мамнун бўлди. Омонатини Одам атога берди ва бу омонатни кўтара олиш қувватини ҳам ато этди. Сўнг Одам ато алайҳиссалом: “Илоҳо, улар қайси омонатлар?”,-деб сўради. Аллоҳ таборак ва таоло деди: “Агар тақиқланган нарса кўрсанг, менинг азобимдан кўрқиб беркитгин деб кўзинг атрофини ҳижобли қилиб яратдим. Тил бердим ва бекорчи сўзлар айтмаслик, менинг азобимдан омонда бўлиш учун икки лабни оғизга эшик қилиб яратдим. Икки кулоқ бердим, агар шаръан ҳалол сўз бўлмаса, менинг азобимдан кўрқиб, кулоқни эҳтиёт қилишни, ҳаромдан қайтиш учун беркитишга кийим бердим. Қўл бердим ва ҳаромга чўзишдан ва хиёнатдан уни тортадиган қилиб яратдим. Оёқ бердим, азобимдан кўрқиб, мен рози бўлмаган жойга бормасликни амр қилдим. Буларнинг ҳаммаси мен берган омонатларимдир. Агар сен фарзандларинг билан бирга уларни қабул қилиб олсаларинг ва агар буюрганларимни адо этсаларинг, чексиз меҳрибонликлар қиламан ва агар буюрганларимни қилмасаларинг азобга тортаман”.

وَأَوْفُوا بِعَهْدِي أُوفِ بِعَهْدِكُمْ وَإِيَّايَ فَارْهَبُونِ

“Менга берган ваъда-аҳдга вафо қилинг. Шунда Мен ҳам аҳдга вафо қиламан...” (Бақара, 40-оят).

Расули Акрам соллаллоху алайҳи васалламдан бир заиф инсон сўради: “Жуда заифман, қувватим ҳам оз, айтинг нега амал қилсам қувватим ошади?”. Расули Акрам с.а.в. жавоб бердилар: “Қуръонни кўп тиловат қил”. Заиф инсон яна сўрадики: “Яна нега амал қилай?”, Расули Акрам с.а.в. жавоб бердилар: “Аллоҳни кўп зикр қил”. “Яна нега амал қилай?”,-деб сўради. Расули Акрам с.а.в. жавоб бердилар: “Аллоҳни кўп зикр қил”. Заиф инсон сўрадики: “Яна нега амал қилай?”. Расули Акрам с.а.в.: “Аллоҳни кўп зикр қил”,-деди. У яна сўрадики: “Яна нега амал қилай?”. Расули Акрам с.а.в.: “Асал истеъмол қил”, - деб жавоб берди.

Аллоҳ таолони назари тушадиган жойи бўлмиш қалбни доимо поклаб юришлик Аллоҳни зикр этиш билан амалга ошади. Зикр қанча кўп бўлса Аллоҳни қалбга қиладиган назари ҳам шунча кўп бўлади. У ўз тажаллиёт илоҳий нурини зикр айтувчи зокир қалбига юборади, руҳини қувватлантиради. Доимий зикр натижасида руҳ нурланади, Аллоҳ тарафидан озиқланади, кучга тўлади. Бошқа аъзоларга ҳам қувватланиб бораётган илоҳий руҳ нури қуввати ўз таъсирини кўрсата боради. Ички аъзолар ҳам қалб зикрига ҳамоҳанг равишда зикрга қўшила борадилар ва улар ҳам қувватлана борадилар. Мурид доимий зикр айтиш мобайнида ўзида ботиний қуввати ошиб бораётганлигини сеза бошлайди.

Ҳазрат Ғавсул Аъзам розияллоҳу анҳу ботиний қуввати ошиб борганликларини қуйидагича таърифлаганлар: “Ул вақтда нафсим суратга келиб, менга ялиниб нола қилур эди. Ул вақтда Ҳақ таоло куч-қувват бериб, ёварлик қилур эди. Ундан кейин шайтонлар турли рангда намоён бўлиб, гоҳ пиёда, гоҳ отда жанг асбобу олотлари бирла сафланиб, мен тарафга ўтлар отиб, жанг қилур эдилар. Ундан кейин кўнглим таскин топиб, сабот пайдо бўлур эди ва овоз эшитур эдим: “Тургил собит қадам бўлгил, эй Абдулқодир, сенга нусрат ва ёварлик бериш билан сени кучли қилдим”. Ул ҳолатда шайтонлар, ўнг ва чап тарафга қочар эдилар. Улардан бири мени кўрқитиб: “Бу ердан кетгил ва агар мундан кетмасанг сени нобуд қилурмиз”, -деб сиёсатлар қилур эдилар. Мен унинг юзига шаппати уриб: “Ла ҳавла вала қуввата илло биллоҳи таоло ал-аъзим”ни ўқир эдим ва қочар эдим. Шайтон алайҳи лаънани кўрдим, мендан йироқроқ ерга ўтириб олиб йиғлаб, бошларига тупроқлар сочиб, дейди:

- Эй Абдулқодир, сендан узил-кесил умид уздим!

Мен шайтонга айтдим:

- Кетгил, эй лаъин, мен сендан кўрқармен!

Шайтон деди:

- Сенинг бу жавобинг ҳаммадан қаттиқроқдир”.

Илоҳий қувватнинг ошиши шайтон васвасаларини, нафс қайсарликларини енгишда айна қўл келадиган қуролдир. Бу ўз ўрнида иродани мустаҳкамлайди, ақлни Аллоҳни танишликда теран фикр юритишига олиб келади. Аллоҳнинг ризосига етишликда тилакка етмишлик учун ҳаракат қилишликка – жидд, мақсад йўлида машаққат чекмоқлик учун – жаҳд ҳосил бўлади. Жидду жаҳд пайғамбару подшоҳлар ахлоқи жумласидан бўлиб, бу сифат баланд ҳимматлиларга хосдир. Кишининг ҳиммати қанчалар юксак бўлса, унинг мақсад йўлидаги жидду жаҳди ҳам шунчалар қаттиқ бўлур.

Ботиний қуввати ошган сари муридда уйқуга бўлган талаб, таомланишга бўлган майллар, чарчоқлик, дангасалик каби нафс иллатлари чекина боради.

Расули Акрам с.а.в. саҳобалар билан таом истеъмол қилаётганларида Расули Акрам с.а.в. овқатдан оз танаввул қилар эдилар. Саҳобалар Расули Акрамни с.а.в. ҳам таомдан кўпроқ истеъмол қилишликларини тавсия қилганларида: “Сизлар танаввул қилаверинглар, мени Аллоҳ таоло таомлантириб туради”, - дея жавоб берганлар. Доимий зикр билан машғул бўлиш орқали илоҳий нур Аллоҳ тажаллиёти орқали қалбга ундан бошқа аъзоларга ўтиб 360 томир, 444 сўнгаларни қувватлантиради.

Жаноб Расулуллоҳ с.а.в. даврларида ҳар бир саҳобада қирқта навқирон, соғ ёш йигитларнинг қуввати бўлган, Расулуллоҳнинг с.а.в. ўзларида эса қирқта саҳобаларнинг қуввати бўлган.

Имоми Аъзам розияллоҳу анҳу ҳазратлари кечалари билан ухламай ибодат қилиб чиқар эдилар. Завқ-шавқи баландлиги учун Кабатуллоқга кириб, икки ракаат намоз ўтаганлар, бир оёқларида туриб биринчи ракаатига ўн беш пора Қуръонни зам қилганлар. Иккинчи ракаатига ҳам яна бир оёқда туриб ўн беш пора Қуръонни зам қилганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўн саккиз ёшга етганларида уйланиш тарадудлари билан бобосининг тавсиясига биноан Ҳазрат Хожа Бобои Самосийга боради. Уларнинг юзларини кўрганида Ҳазрат Баҳоуддинда илтижо ва зору-тазарру ҳолати пайдо бўлади. Хожа Бобои Самосий Масжидига кириб икки ракаат намоз ўтайди. Сўнг бошини саждага қўйиб, кучли хожадмандлик илтижоси билан айтадики: “Илоҳо, бало ва кулфатинг юкини кўтара олиш қувватини менга арзон тут”. Ботиндан буни сезган Хожа Бобои Самосий учрашувдан сўнг Баҳоуддин Нақшбандга айтадиларки: “Эй фарзанд, дуода: “Илоҳо, Сенинг улуғ ризолигинг нима ишда бўлса бу бандани ўша ишга мубтало эт”, демоқ лозимки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз ҳикмати билан ўз дўстига муҳаббат балосини юборади ва ўз инояти билан ўша юкни тортишни ўз дўстига ато қилади. Ўз ихтиёри билан бало талаб қилмоқлик душворким, бу борада густоҳлик қилмаслик керак!”

Ботиний қувват катта кучки буни фақат пир раҳнамолигида, доимий зикр билан машғул бўлишлик билан секин-аста кўникма ҳосил қилиш билангина мурид ўзига сингдира олиши мумкин. Қуйида Хожа Али Рометоний ва унинг халфаси Хожа Матчон ҳикояси фикримизга далил бўлиши мумкин. Хожа Али Рометонийга бир неча авлиёлар меҳмонга келиб қолишганди. Худонинг дўстлари олдига қўйгани ҳеч бир таом йўқ эди. Хожа Али Рометоний безовта бўла бошлаган эдилар, хизматида юрган Хожа Матчоннинг аёллари бу ҳолатни кўриб дарҳол Хожа Матчонга арз этдилар. Хожа Матчон Хожа Али Рометоний дўстларига дастурхон тузаб ноз-неъматлар қўйди, таом тайёрлаб берди. Меҳмонлар Хожа Али Рометонийдан хурсанд бўлиб қайтдилар. Хожа Али Рометоний бу ҳолатдан мамнун бўлиб Хожа Матчонга юзланиб: “Бизни кўп мамнун айладинг, бунинг эвазига не истайсан?”-

деб сўрадилар. Хожа Матчон: “Суратим ҳам мақомим ҳам сиздек бўлишини истайман”,-деб айтди. Хожа Али Рометоний: “Ботиний қувватинг ҳали тайёр эмас кўтара олмайсан, сабр қил”,- деб айтдилар. Хожа Матчон яна талаб қилдилар, Хожа Али Рометоний: “Суратинг ҳам мақоминг ҳам менингдек бўлсин”,- деб Худодан илтижо қилди. Худои таоло қабул қилди. Шу он Хожа Али Рометоний иккита бўлиб қолди, буни кўрган халқ қай бири Хожа Матчон ва қай бири Хожа Али Рометоний эканлигини ажрата олмадилар.

Вақтики Аллоҳдан тажаллий нури ишқ келди, Аллоҳ назар марҳаматини икковига солди. Хожа Али Рометоний ботиний қуввати борлиги учун валийлик мақоми билан кўтара олди. Хожа Матчон ботиний қуввати озлиги учун Аллоҳ томонидан келган тажаллий нури ишқни кўтара олмади ёки баданига сингдира олмасдан ўттиз уч кунда вафот қилди. Донишлар айтади, Хожа Матчон вафот этгани йўқ, Аллоҳ ишқида эриди. Лекин руҳи Хожа Али Рометоний мақомида арш сояси остига парвоз этди.

Мансур Ҳаллож тажаллийёт нури ишқ жазабасида маст бўлди, ботиний қуввати етарлик бўлмаганлигидан ўзини йўқотди. Аллоҳни ўз ичида кўрди, “Анал Ҳақ”, яъни “Мен Худоман”, деди. Шариат уламолари буни куфр билиб, уни дорга осдилар. Хожа Али Рометоний айтган эдиларки: “Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний фарзандларидан бирор киши Мансур Ҳаллож олдида бўлганида эди у ҳаргиз дорга осилмаган бўлур эди. “Мен Худоман”, деб айтиш ўрнига “Мен туфрокман”, деб айтирган бўлар эдилар».

Мурид зикр билан машғул бўлишда сускаштлиқка ёки ўз соғлиғига, ғайратига ишониб, муршид берган вазифаданда кўпроқ вазифа олиб бажаришга ҳаракат қилмаслиги лозимдир. Бир маромда доимий, муршид раҳнамолигида олиб бориладиган зикр машғулотлари ботиний қувватни ҳам бир маромда ошиб боришини таъминлайди. Бу саъй-ҳаракатлар худди автотранспортнинг баланд довонга кўтарилиб боришига ўхшайди. Чунки автотранспортда биринчи тезликда довон тепасигача кўтарилиб бориш мумкин эмас. Сабаби автотранспорт матори қизиқ кетади оқибатда ярим йўлга ҳам етолмай тўхташга мажбур қилади. Тўртинчи тезликда ҳам довон тепасига кўтарилиб бўлмайдик, бирдан тезликни ошириб олишлик ва довон юқорисига қараб ҳаракат қилишда ёқилгани автотранспортнинг керакли қисмларига етказиб беришнинг иложи бўлмай қолади. Оқибатда автотранспорт юқори илдамлаш ўрнига орқага қараб юра бошлайди. Баъзан шундай ҳолатлар ҳам кузатилиши мумкинки, автотранспортни ҳар чанд тўхтатишга уринманг пастга қараб кетаверади. Довонга чиқишнинг энг яхши усули иккинчи ёки учинчи тезликда, баъзан иккинчи ва учинчи тезликларни алмашлаб юқорига қараб илдамлаб юришдир. Чунки бу ҳаёт дунёмиз пасту-баландликлардан, синов-заҳматлардан, яхши-ёмонликлардан иборат экан, бу йўлдан юрувчи солиқ вақти келганда тезлашга вақти келганда секинлашга мажбур бўлади.

ТАВБА

Тавба уч турлик бўлур. Биринчиси, Ислом динидан ташқарида бўлган киши тавбаси. Иккинчи, Ислом динида бўлган мусулмон тавбаси. Учинчи, Ислом динида бўлган мўмин-мусулмоннинг қалбий тавбаси.

Ислом дини эндигина пайдо бўлаётган вақтларда инсонлар бу динга кира бошладилар. Пайғамбар алайҳиссалом жоҳилият динидан бутунлай қайтишга ва у динга қайтиб кирмасликка тавба қилдилар эди. “Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ” калимасини айттириб Ислом динига қабул қилар эдилар. Бошқа диндан Ислом динига ўтган мусулмонлар, ислом аҳкомларини ўрганишар ва ҳар бир амалларини сидқи кўнгил ила бажаришар эди. Расулуллоҳ с.а.в. дер эди “Агар Ислом динидан ташқарида юрган киши бу диннинг моҳиятини тушуниб етиб, пушаймон бўлиб тавба қилса, сўнг Ислом динини қабул қилса, Аллоҳ таоло унинг аввалги гуноҳларини кечгай. Унга ислом динига киргунча бўлган вақтдаги қазо намозлари, қазо рўзалари кечирилади”.

إِنْ يَنْتَهُوا يُغْفَرْ لَهُمْ مَا قَدْ سَلَفَ

“... Агар тўхтасалар, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур”. (Анфол, 38-оят).

Ислом динида бўла туриб ғафлатда юрганлар, шайтон алайҳи лаъна васвасаларига учиб, дунё лаззатларига берилиши, нафс қайсарликлари ғолиб келиб шахвоний хирсларга берилиш, охират ишидан дунё ишларини аъло билиб юришлик мусулмон одамнинг иймони заифлашишига олиб боради. Ўз қувватига, соғлиғига, ақл-заковатига ишониб барча ишларни ўзим уддалай оляпман деб ўйлайди. Аслида илоҳий неъмат бўлган ақлни иймон ва руҳга қаратиш ўрнига, нафс ва шайтонга қарам қилиб

кўяди. Бундан инсоннинг вужуди бир яхлит эмаслиги кўриниб турибдики, магар у етмишдан ортик аъзодан иборатдир. Уларнинг энг юксаги қалб ва руҳ бўлса, энг куйиси озор етказувчи нарсаларни йўқ қилиш. Масалан, мўйловни қискартириш, тирноқ олиш ва ҳакозо. Агар инсон шу ишларни қилмаса, панжадаги узун тирноқлари тезаги билан булганган хайвонга ўхшаб қолади.

Иймон ҳам инсон кабидир. Тавҳид шаҳодатининг йўқолиши руҳнинг йўқолиши кабидир. Нимадир йўқолар экан, нимадир унинг ўрнини эгаллайди. Тавҳид шаҳодатининг йўқолиши эса тўла ботилликни вужудга келтиради. Ва фақат “Ла илаҳа илаллоҳ Муҳаммадур Расулуллоҳ” шаҳодати билан чекланган инсон худди оёқ-қўли кесилган, кўзлари ўйилган, зохиру ботин аъзоларини йўқотган кимсага ўхшайди. Унинг ҳолати худди ўлими яқинлашаётган кишининг аҳволини эслатади. Бир пайтлар аъзоларига қувват бўлиб, уларни доимо олға бошлаган руҳ энди яккаланиб, зўрға судралиб, аъзолардан ортда қоляпти, улардан айриляпти.

Кимдаки иймони бўлиб, амал бўлмаса, ўткинчи шамоллар уни қулатиши тайин. Токи иймон дарахти шак-шубҳадан ҳоли бўлган мўмин қалбга илдиз отиб, новдаю шоҳларини амал ичра ёймас экан, бу дарахт ўлим фариштаси келган пайтда эсувчи даҳшатли шамолларга дош беролмайди.

Мусулмонлигини даъво қилиб амал қилмайдиган кимсалар қовокнинг санобар дарахтига айтган сўзларига ўхшайди:

- Мен ҳам дарахтман, сен ҳам дарахтсан.

Санобар дарахти унга шундай жавоб қилди:

-Илдиз нелигидан ғофилсан. Ҳали куз шамоллари эссин, заиф илдизларинг ердан узилади, баргларинг тўкилиб, ўзингни қандай алдаганинг очилиб қолади.

Жончиқар ҳолатининг даҳшатларини эслаганда Аллоҳни таниган кишиларнинг қалби кўрқинчдан ёрилай дейди. Зеро охирги нафасда собит бўлиш камдан – кам инсонларга насиб бўлади.

Осий киши гуноҳлари туфайли дўзахда абадий қолишдан кўрқмайди. Чунки у тани-жони соғлом бўлгани учун ўлимни эсламайди. Зарарли хоҳиш–истакларга муккасидан кетган. Соғлом одам бетоб бўлиб қолишидан кўрқади, бетоб бўлгач, ўлимдан кўрқади, дейишади. Осий киши ҳам жон халқумга келгач, сўнгги нафаснинг даҳшатидан кўрқувга тушади, ўша даҳшатни бошидан кечиради. Ана энди дўзахда абадий ёниш унга вожиб бўлади. (Аллоҳ асрасин).

Диннинг заҳари – гуноҳ экан, ким уни содир этса, фурсат борида бу қилмишидан қайтмоғи вожиб. Бу фурсат умрдир. Фурсат бой берилса, умр зоеъ бўлади. Гуноҳ заҳаридан, умрнинг зоеъ бўлишидан-да хавфлироғи ва аламлироғи муҳим неъмат ва буюк мулкка тўла боқий охиратни бой бериш, сўнгра жаҳаннам оловида ёниш, доимий азобга гирифтор бўлишдир. Бу дунёдаги умрларнинг бир қанчасини жамлаганда ҳам охиратдаги азоб муддатининг мингдан бирича бўлолмайди. Негаки у азобнинг муддати чексиз, туганмас.

Шунинг учун гуноҳлар заҳари иймон руҳини зарарламасдан аввал тавбага шошилмоқ зарур. Акс ҳолда иш табибларга, уларнинг ихтиёрига ўтади. Бундан сўнг химоя наф бермайди, насиҳатгўйларнинг насиҳати нажот бўлолмайди, воизларнинг ваъзи бефойда. Энди унинг ҳалокатга маҳкумлар жумласидан эканига шубҳа қолмайди ва Аллоҳ таолонинг ушбу сўзидаги умумий ҳукм унга ҳам тегишли бўлади:

إِنَّا جَعَلْنَا فِي أَعْنَاقِهِمْ أَغْلَالًا فَهِيَ إِلَى الْأَيْتَانِ فَهُمْ مُمْتَحُونَ (۸) وَجَعَلْنَا مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ سَدًّا وَمِنْ خَلْفِهِمْ سَدًّا فَأَغْشَيْنَاهُمْ فَهُمْ لَا يُبْصِرُونَ (۹) وَسَوَاءٌ عَلَيْهِمْ أَأَنزَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنزِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ (۱۰)

“Дарҳақиқат, Биз уларнинг бўйинларига то иякларигача (етадиган) кишанларни ўраб қўйдик, бас, улар ғўдайиб қолдилар (Яъни, улар Ҳаққа эгилмаслар). Ва Биз уларнинг олдиларидан ва орқаларидан бир тўсиқ-парда қилиб, уларни ўраб қўйдик. Бас, улар кўра олмаслар. (Эй Муҳаммад), сиз уларни огоҳлантирдингизми ёки огоҳлантирмадингизми, уларга баробардир – иймон келтирмаслар” (Ёсин, 8-10-оятлар).

Ислонда шундай тоифа инсонлар борки, калимаи тоййибани тилида, дилида тасдиқлайди, Ислон аркони бўлмиш намоз, рўза, закот, ҳаж, амалларини бажаради, лекин Пайғамбар алайҳиссалом суннатига амал қилмайди, бундайларни мубтадиъ, аҳли бидъатчи дерлар. Набий алайҳиссалом: “Мубтадиъ аҳли дўзахнинг итларидур!”, - деб такидлаганлар. Яна шундай тоифалар борки калимаи тоййибани дилида, тилида тасдиқлайди, лекин Аллоҳ фарзларига Пайғамбар алайҳиссалом суннатларига амал қилмайди. Бу тоифани фосиқ дерлар. Улар ўйлайдики қалбингиз покиза бўлса бўлди деб, фарз ва суннатларга амал қилмаса ҳам бўлаверади қабилида иш тутадилар. Аслида қалб фақат Жаноб Аллоҳ таолога ибодат қилиш билангина покиза бўлади. Аллоҳ таоло ман қилган нарсалардан

тийилиши билан тозаланади. Ҳеч бир амалсиз: “қалбим тоза”, дейиш билан инсон ўзини алдайди, борган сайин қалби қорая бошлайди. Лекин Аллоҳ айтади:

وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ

“Аллоҳ фосиқ қавмга ҳидоят бермайди”. (Тавба, 80-оят).

Фосиқ нима дегани? Аллоҳ амридан чиқмоқ, ҳақ йўлидан тоймоқ дегани. Токи гуноҳ ишда давом этар экан, ҳидоят этмас. У ичкиликни давом этаверсинда, Аллоҳ унга ҳидоят берсинми? Ҳидоят бермайди! У ҳаромхўрликни давом этаверсин-да, Аллоҳ унга ҳидоят берсин... Ҳидоят бермайди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Аллоҳнинг хоҳиш-иродасини билишдан ожизмиз аммо “Мен фосиқларни ҳидоят қилмайман”, - деган ваъдасига биноан фосиқларни ҳидоят қилмаслигини биламиз. Банда Аллоҳнинг розилигини топиш учун унга тобе, тоат-ибодатига фармонбардор кул бўлмоғи керак. Агар шуларни тўғри анласак, гуноҳ ишлардан ўзимизни тиямиз, савобли ишлар қилишга ҳаракат қиламиз, токи Аллоҳ бизга ҳидоят неъматини берсин.

Яна шундай тоифалар борки калимаи тоййибани тилида айтади лекин дилида тасдиқламайди. Бундайлар мунофиқлар тоифасидандир. Расул алайҳиссалом айтадилар: “Мунофиқда уч аломат бордур, агар рўза тутиб, намоз ўқиса ҳам ва заъм қилса ҳамки мен мусулмонман ва мусулмонзодаман деса ҳамки, ҳар вақтики сўзласа ёлғон сўзлар ва агар ваъз қилса, хилоф қилур ва агар омонат қўйилса хиёнат қилур ва бу мунофиқ кофирдан ёмондир, чунки кофирда куфр зуҳрдир, ихтирози таъби муқаррардур, аммо мунофиқда куфр пушидадур, ихтирози таъби муқаррар эмасдур. Бинобарин, мўминларга махлутдур, бас мўминларга шарри ва зарари кофирдин кўпроқдур. Анинг учун кофирдин ёмонроқдур”.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَظْلُمُ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ

“Шубҳасиз, Аллоҳ бировга заррача зулм қилмас”. (Нисо, 40-оят). Охират ишларини орқага суриб дунё гирдобида, ғафлат уйқусида айланиб юрган бир пайтда Аллоҳ томонидан шу дунёнинг ўзида бир бало юбориб ақли борларга охират ишини ҳам дунё иши билан бирга олиб бориш кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Бу дунёда Худо томонидан ибрат олиш учун келган бало охиратда бериладиган бало азобдан минг чандон енгилдур. Бу дунёда инсон бирон яқин кишисидан айрилади, бир касаллик келади. Шунда инсон ўзи ишонган, ўзи суянган одамидан айрилади. Касалга мубтало бўлганида қувватдан қолади, дунёга қизиқишлари, шахвоний ҳирслари камаяди. Шу пайтда иймони заифлашган мусулмон тафаккур қилиб Худодан тани-соғлик, куч-қувват сўрайди.

Қасд, яъни “хатоимни ўнглайман” деган мақсад, хоҳиш надомат туфайли юзага келади. Макони қалб бўлган “қасд”нинг замоний жиҳатидан ҳозир, ўтмиш ва келажакка боғлиқлиги бор. Ким хатосини ўнглашни мақсад қилган экан, шу заҳоти, ҳозироқ гуноҳдан тўхташи ва ҳозир, айни пайт олдида турган фарзларни адо қилишга киришмоғи лозим. Банда хатосини тузатишни дилига туккан экан, ниятининг амалида қатъий бўлса, ўтмиш хатоси ҳам ўнғланади. Тавбани қасд этган киши доимо Аллоҳнинг итоатида бўлади, гуноҳни тарк этиш ҳам ҳаётининг сўнгигача давом этади. Тавба қилишни бошлайди. Худои таборак ва таоло у банда тавбасини қабул қилади. Ва унга яна соғлик, куч-қувват қайтарилади. Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло буюрмишки: “Мен бирор қулимни балога мубтало қилганимда Менга ҳамд этса ва бошига тушган мусибатга сабр этса, у кимса онасидан янги туғилган каби гуноҳларидан фориғ ўлароқ уйқудан уйғонади”.

Шайх Абу Усмон Мағрибийдан шогирди сўради: “Нега баъзан қалбим ғофил бўла туриб, тилим зикр ва Қуръонга шошади?” Шунда Шайх муридига: “Аллоҳга шукр эт, аъзоларингдан бирини-тилингни яхшиликка бурибди, тилингни беҳуда сўзлардан тийиб, зикрни унинг одати қилибди”, деган экан.

Дарҳақиқат, аъзолар савоб ишларга одатланса, бу одат унинг табиатига сингиб, шу табиат билан жумла гуноҳларни даф қилиш мумкин бўлади. Тили истиғфорга ўрганган одам, ёлғонни эшитган заҳоти: “Астарғфируллоҳ”, дейди. Ортиқча сўзлашга одатланган киши эса худди шундай вазиятда: “Одам ҳам шунчалик аҳмоқ бўладими, ғирт ёлғон гапиряпсан-ку!” деб бошлайди сўзини. Кимнинг тили Аллоҳдан паноҳ сўрашга одатланган бўлса, ёмонлик сабаблари кўрина бошлаши билан: “Наъзу биллах” (Аллоҳдан паноҳ тилайман), дейди. Беҳуда, ортиқча сўзларга ўрганган тил эса: “Унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин”, деб икки сўзининг биттасида гуноҳга ботади.

لَنْ يَضِيْعَ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ

“Зотан, Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг амалларини зое қилмас” (Тавба, 120-оят).

Мусулмон одам ибодатга машғул бўлиб, охират ва дунё ишларини баробар олиб боришни бошлайди. Расулulloҳ с.а.в. айтган эдики: “Ибодатнинг оз-оздан сурункали бўлгани яхши”.

إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِوَجْهِ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ ۗ

“Аниқки, бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмайди”. (Раъд, 11-оят).

Қилган гуноҳини эслаб, изтироб чекмоқ тавбага илк қадам қўйган кишининг камолотидан нишонадир. Агар у гуноҳини унитганида юраги куймас эди. Юраги куймаса покланмас эди. Чунки, гуноҳни унитиш хазинликни ва гуноҳга яна қайтиш йўлини тўсадиган хавфни қалбдан чиқаради, Гуноҳни унитиш ғофилга нисбатан камол деб билинса, ҳақ йўлдаги солиққа нисбатан нуқсондир. Негаки бу Ҳақ йўлдан қайтарувчи машғулот бўлиб, солиқнинг вазифаси Ҳақ йўлдан оғмаслик, ўз сулукидан чалғимасликдир. Қачонки солиқда ўзини англаш куртаклари кўрина бошлар экан, қалби маърифат нурларига тўлади, руҳи илоҳий файзга буткул ғарқ бўлади, ўтган ҳолатларига қараш учун унда вақт қолмайди. Мана шу айни комилликдир.

Мўмин мусулмон қалбий тавбасида исломнинг беш арконини бекаму кўст адо этиб юради, лекин бу ибодатлар унга камга ўхшайди. У Аллоҳ ризоси учун бундан кўпроқ амалларни бажаришга қодир, ғайрати етарли эканини сеза бошлайди.

Шоҳ Иброҳим Адҳам бир кеча саройида ётар экан, томнинг тепасида бир дупурни пайқади. “Ул нимадир?” деб товуш берган эди, “Туяни қидиряпман”, деган садо келди. “Туяни томнинг устида қидирадимми?” деган эди, жавоб келдики, “Эй ғофил, Аллоҳни атлас кўрпа ичида қидирадиларми?!” деб. Бу сўзни эшитиш билан унинг жонига ўт тушди, Тонгга қадар ухлай олмади. Таажжуб ичра: “Отларни ҳозирланг, овга кетамиз! Балки шунда тасалли топарман”, деди. Сахрога чиқдилар, У не қиларини билмас эди. Кезар экан, ўз саройи аҳлидан ажралди. Кетаётиб, “Интибоҳ!”, (Огоҳ бўл, уйғон!) деган овозни эшитди, Эшитмагандек бўлиб кетаётган эди, яна “Интибоҳ!” дейилди. Учунчи марта: “Интибоҳ, Қоблан тантабоҳ!” (Ўлмоқдан олдин уйғон!) дейилди. Буни эшитган замон дунёдан қўл тортди. Отни илгари сурди. Олдидан бир кийик чиққан эди, бирдан кийик овлагиси келиб қолди. Аммо кийик тилга кириб: “Ё Иброҳим! Ҳазрати Ҳақ таоло сени ов қилмоқ учун дунёга келтирдими? Бошқа ишинг йўқми?” деди.

Шу сўзларни эшитар экан, бир овоз келди: “Сен ов қилмоқ учун яратилмадинг”. Бу сас уни титратди. Шавқи ортди. Кўзига малаклар кўринди. У йиғлай бошлади. Шу қадар йиғладики, кийимлари хўл бўлди. Жону дил билан соф, холис ҳолда қайта гуноҳ қилмаслик аҳди билан тавба қилди. Подшоҳлик либосини ечиб, жаннат ва жамолуллоҳ ошиғи охират либосини кийди.

Гуноҳларга каффорат бўладиган истиғфор ҳақида сўралганида, Тустарий деди: “Истиғфорнинг аввали истижобат (ижро), кейин инобат (авф тилаб ёлвориш), кейин тавбадир. Истижобат аъзолар амали, инобат қалб амали, тавба Мавлога юзланмақдир. Мавлога юзланмак халқни тарк этиш билан бўлади. Сўнгра ичидаги қусрлар учун неъматни билмагани ва шукрни тарк этгани учун Аллоҳдан мағфират тилайди. Мағфират қилинади, Мавлоси хузуридан жой олади. Сўнгра танҳоликка кўчади. Танҳоликдан саботга, саботдан баёнга, баёндан фикрга, фикрдан маърифатга, маърифатдан муножатга, муножатдан мусофатга (ўзаро самимият), мусофатдан муволатга (дўстлик), муволатдан сирлашувга ўтади. Сирлашув эса, муҳаббатдир. Бу сифатлар банданинг қалбида мустакам ўрнашиши учун илм унинг озиғи, зикр қуввати, ризо захираси, таввақкул йўлдоши бўлмоғи лозим. Шунда у бандага Аллоҳнинг назари тушади, Аллоҳ уни Аршга кўтаради. Натижада унинг мақоми Аршни кўтариб турувчилар мақоми билан баробар бўлади”.

التَّائِبُونَ الْعَابِدُونَ الْحَامِدُونَ السَّائِحُونَ الرَّاكِعُونَ السَّاجِدُونَ الْأَمْرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّاهُونَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَالْحَافِظُونَ لِحُدُودِ اللَّهِ

“(Улар тавба қилувчилар Аллоҳнинг ўзигагина) ибодат қилувчилар, шукр қилувчилар, рўза тутувчилар, руку-сажда қилувчилар, яхшилиққа буюрувчилар, ёмонликдан тўхтатувчилар ва Аллоҳ белгилаб қўйган қонун-қоидаларга доимий риоя қилувчи (мўминлар)дир” (Тавба, 112-оят), ўқиб деган эдилар: “Қимки Аллоҳ таолонинг ушбу оятида зикр қилинган сифатларга эга бўлса, у ҳабибдир. Ҳабиб ҳабиби ёмон кўрган нарсадан узоқлашадиган кишидир”.

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари 36 ёшдалигида оёқларига жароҳат олдилар. Табибларнинг тавсияси билан узоқ муддат даволандилар. Шу пайт давомида бир аёлларини тўртгага етказдилар. Қирқ

ёшга етганларида қурол аслаҳалари турадиган хонага кирганида ўзлари жангда ишлатиб юрган қиличларини кўриб қоладилар. Жароҳат олишдан аввал иккала қиличларини бир хилда, от чоптириб кетаётганларида бемалол ўйнатиб юра олар эдилар. Ҳозирда шу ҳолатлари эсига тушиб завқи жўшиб қиличларини кўлига олганларида қилич худди зил-занбилдек бўлдики уларни кўтара олмадилар. Шу онда энг учқур отларини миниб, тулпорлари чарчагунча шаҳар ташқарисига чоптириб бордилар. Шундан сўнг Аллоҳ таолога юзланиб Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик қирқ ёшда келган мен қирқ ёшда уйғондим деб қалбан тавба қилиб ўзларига қасд қилдиларки, оддий аскар сингари оддий кийиниб, чодирда яшамоқликка аҳд қилдилар.

فَلَا تَعْلَمُ نَفْسٌ مَّا أُخْفِيَ لَهُم مَّقْرَرَةَ عَيْنٍ جَزَاءً بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ

“Бас, уларнинг амалларига мукофот қилиб, улар учун яшириб қўйилган кўзлар қувончини бирон жон билмас”. (Сажда, 17-оят).

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам эгниларидаги янги кўйлақлари намозда хотирларини машғул қилиб қўяётганини пайқаб, уни ечиб ташладилар. Ковушларига боғланган янги боғич эътиборини тортганида, ечиб, ўрнига эскисини боғлаганлар. Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васаллам шариатда бу ишнинг вожиб эмаслигини билмасмидилар? Жуда яхши билардилар. Билган ҳолларида тарк этиш вожиб бўлмаган нарсани тарк этиб, тавба қилдилар. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ишнинг қалбда ўчмас из қолдиришини, бу из ваъда қилинган мақоми маҳмудга етишдан тўсишлигини ич-ичидан англади эдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ичган сутида гумонга борди. Сўнг бармоғини бўғзигача киргизиб, сутни қайтариб чиқарди. Ҳатто жонлари чиқиб кетай деди. Шубҳали нарсани билмай еб кўйиб, сўнг қайт қилиб чиқариш фикрий масалада вожиб бўлмаса-да, бу унинг кўксига чуқур ўрнашган сирдир. Шу сир унга умумий фатвонинг йўриғи бошқалигини, охират йўлининг хатарини сиддиқларгина англашини аён этади. Саҳобалар Аллоҳни, Аллоҳнинг халқини, Аллоҳнинг йўлини, Аллоҳнинг “макри”ни, “Аллоҳ” деб алданиб қолишнинг яширин жиҳатларини билгувчи, танигувчи зотлар эдилар.

وَالَّذِينَ هُمْ لِأَمَانَاتِهِمْ وَعَهْدِهِمْ رَاعُونَ

“Улар (мўминлар) ўзларига ишонилган омонатларга ва берган аҳду паймонларига риоя қилувчи кишилардир” (Мўминун, 8-оят).

Ким Аллоҳ ҳузурига соғлом қалб билан борар экан, нажот топади. Қалб Аллоҳ таолодан бандасига берилган омонатдир. Умр ҳам Аллоҳнинг омонати. Шунингдек, тоатга сабаб бўлувчи барча нарсалар омонат. Кимки омонатга хиёнат қилиб, тавба қилмаса, хатарли жазога йўлиқажак.

Зуннун Мисрий дейди: “Аллоҳнинг шундай қуллари бор, улар гуноҳ дарахтларини қалбнинг назар тушадиган жойларига экидилар ва уни тавба суви билан суғордилар. Дарахтлар пушаймонлик ва хазинлик ҳосилини берди. Улар жунунсиз мажнун бўлдилар. Улар ҳайрат ичра қотдилар, лекин ҳайратдан дудуқланиб, соқовланиб қолмадилар. Чунки, улар Аллоҳ ва Расулини танигувчи болиғ, фасиҳ, ориф эдилар. Кейин улар сафо касасини симирдилар, узоқ синовларга сабрли бўлишни мерос қилиб олдилар. Сўнгра уларнинг қалблари малакут оламида беҳуд бўлди, фикрлари жабарут пардалари аро кезди. Улар надомат равоқининг соясида тўхтадилар ва гуноҳлар саҳифасини ўқидилар. Натижада улар ўз нафсларига кўрқинчу қайғуни мерос қолдирдилар. Ҳатто тақво нарвони билан зуҳд чўққисига кўтарилдилар. Дунёдан кечиш аччиғини ширин дедилар, кўпол, дағал тўшакни майин билдилар. Ҳатто нажот қалъасини эгаллаб, омонлик халқасини маҳкам тутдилар. Рухлари юксак-юксакларга талпиниб, жаннат боғларида кўним топдилар. Тириклик денгизига шўнғиб, кўрқув ва қайғу хандақларини кўмдилар. Ишқу иштиёқ кўприкларидан ўтиб, илм майдонига чодир тикдилар. Ҳикмат дарёсидан ҳовучлаб ичиб, зако кемасига миндилар. Нажот шамоли эсиб, омонлик баҳрида сузиб кетдилар. Сўнгра сакинат боғларига, иззат ва ҳурмат конига етдилар”.

БАЙЪАТ

Байъат – луғатларда аҳдлашув, шартнома маъноларида келади. Байъат икки турлик бўлади, зоҳирий байъат, ботиний байъат. Зоҳирий байъат давлат раҳбарларига, подшоҳларга нисбатан қилинган байъатдур. Яъни ўша давлат худудларини, халқини, бошлиғини ҳимоя этиш, ташқи душманлар агарда хужум қисалар ҳимоя этишдан иборатдир. Ботиний байъат эса муридни муршидга қилган байъатидир.

Яъни муриднинг тавбаси, қайтиши бир муршид ҳузурига бориб, унинг таълим-тарбиясини, буюрганини, устоз-мураббийлигини қабул қилишидир.

Ислом динида ҳурмат ва эҳтиром асос. Катталаримизга, хусусан, дин уламоларимизга иззату икром, эҳтиром кўрсатиш шарт. Уларга одоб билан муомалада бўлишимиз, бу одобни йўқотмаслигимиз керак. Инсон Аллоҳнинг севимли бир бандасини Аллоҳ таолонинг ризоси учун яхши кўради. Унинг бу муҳаббати Ҳақ субҳонаҳу ва таолога бўлган муҳаббатидир. Севги мана шундай занжирлама кўриниш олади. Инсон бировни севса, ўша севгини ифода этадиган эҳтиром лозим. Шунинг учун, мазҳаб имомларимизга нисбатан, мужтаҳидларимизга нисбатан, улуғ муттақий олимларга, машойихларимизга, тариқат буюкларимизга нисбатан ҳурмату эҳтиромли бўлишимиз керак. Уларни яхши кўришимиз даркор. Бу яхши кўриш уларнинг ҳурматини ўрнига қўйишга, уларга эргашишга олиб келади. Киши бир одамни яхши кўрдими, демак, унинг йўлини ҳам яхши кўриши, ўша одамнинг йўлидан юриши керак.

Аллоҳ мақомини узоқлардан, осмондан бошқа бир тарафлардан қидирмаслик керак, унинг мақоми ўзимизнинг кўнглимизда, Аллоҳни билиш ва унга етиш ишқи билан ёниб ўртанишимиз керак. Уни севмоқ ҳар бир нарсани унинг ризоси учун қилиш ва шундай йўллар билан асосий мақсад-Аллоҳ тарафидан севилган бир йўл бўлишга интилишдир.

Хос ошиқлар кимнингдир севишига, мактовига, шуҳратига ҳайру эҳсонига аҳамият бермайдилар. Улар Аллоҳ томонидан севилишни хоҳлайдилар. Албатта бундай севгининг масъулиятини англаган ҳолда кечаю-кундуз унинг йўлида ҳаракат қиладилар.

Ҳазрат Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам яҳудий руҳонийларини исломга даъват қилганларида, улар: “Биз Аллоҳни севамиз, Аллоҳнинг суюкли қулларимиз, Бизнинг динимиз бор, ўз эътиқодимиз бор. Нега сенинг олдинга келишимиз, сенга байъат қилишимиз керак? Сенга тобе бўлишга ҳожат йўқ. Биз замон Аллоҳни таниймиз, севамиз”, - деганларида ушбу ояти карима нозил бўлган:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ

“Айтинг, (Эй Муҳаммад): Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи, меҳрибондур” (Оли имрон, 31-оят).

Шу сабабдан Аллоҳнинг бир қулини севмоқлик шарти, кескин тарзда маълум шартлар воситасидан майдонга чиқади.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий дедилар: «Бир одоб бор, у Ҳақ субҳонаҳу ва таолога нисбатан бўлади, бир одоб бор, у Пайғамбар с.а.в. га нисбатан бўлади, яна бир одоб бор, у машойихларга нисбатан бўлади. Ҳақ субҳонаҳу ва таолога нисбатан бўладиган одоб шундаки, унинг фармонларини зоҳирда ва ботинда тўлиқ бандалик билан адо қилади ва ундан бошқа ҳар қандай нарсдан юз ўгиради. Пайғамбар с.а.в. га нисбатан бўлган одоб шундайки ўзни «Фаттабиъуни» (менга итоат қилинглари) мақомига тўлиқ олиб киради ва барча ҳолатда унга нисбатан ҳурмат қондасини тўлиқ сақлайди. Мавжудоднинг ҳал қилинувчи мушкуллари ҳазрат Ҳақ субҳонаҳу иродаси орқали у билан эканини англаши ва ҳар ким ҳамда ҳар бир нарса унинг иззат оstonасига бош қўйганини билиши керак. Шайх (Пир) га нисбатан одобнинг вожиб ва лозимлигининг сабаби шуки, улар (Шайхлар) суннатга тўлиқ амал қилиш орқали Ҳақ субҳонаҳу ва таолога етишганлар».

Демак, тариқатда Аллоҳ севгисини қозониш учун биринчи галда Расуллоҳ салоллоҳу алайҳи вассаламга тобе бўлмоқ лозим. Яшашда ҳам, ибодатда ҳам, феълу одат, ҳаракатда ҳам. Ҳар хил бидъатлардан йироқ бўлиш, суннатга мувофиқ яшаш лозимдир.

Тариқат мана шу севгини сизу бизга беришга ҳаракат қилади. Тариқат Ҳақ таолонинг, Расуллоҳ алайҳиссаломнинг, бу йўлдаги улуғ зотларнинг севгисини қўлга киритиш учун хизмат этади. Тариқатнинг ғояси ихлос билан қилиниши керак бўлган амални ва севгини чанглатишдир. Тоат ва ибодатга бўлган муҳаббатни, Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг муборак суннатларига эришиш севгисини чанглатишдир. Инсон бир ишни қилганида уни энг яхши билган кишига қараб қилиши, улардан сўраб бу ишга киришиши лозим, шунда тўғри ва хатосиз бўлади. Чунки у зотлар бу амални сидқидилдан, тўғри ва беҳато қилганлар. Муҳтарам тариқат пирларининг йўлини тутиб, ишга киришсак, қиладиган ишимиз янада хайрли бўлишига ҳеч шубҳа бўлмайди.

Баъзи кишилар: “Тариқатга кирдинг нима-ю, кирмадинг нима фарқи йўқ”, дейишади. “Намозимни ўқияпман, рўзамни тутаяпман, ибодатларимни, зикру тасбеҳларимни имконим борида қияпман, суннатлардан фойдаланаяпман, Куръон тиловат қилиб турибман. Тариқатга кирсам ҳам шу амалларни

бажараман-ку?!”, деб тушунади. Тўғри, фарз ва вожиб бўлган амалларни бажариш зарурийдир. Шу билан бирга гуноҳлардан қочиш керак, зотан тақво мана шу. Тариқатга кирмай ҳам бу вазифаларни қила оламиз. Бу ибодатлар ихлосли бир шаклда, Аллоҳ ризосини ўйлаб қилинган чоғда даргоҳи Илоҳийда лутфи карами, фазли билан, албатта қабул бўлар. Аммо тариқатнинг бу ерда фойдаси бор. Биз аҳли Суннат вал-жамоат тўлароқ шунга ишонамизки, солиҳ инсонларнинг баракоти бор. Мана шу баракотдан фойдаланиш, бир тарафдан ишларимизни кафолатлашга ёрдамчи болади. Мисол учун бир бечора, билимсиз, ёлғиз ўзи бир ишни уддалай олмаса ва у ишнинг устасига тобеъ бўлса, иш уста назорати остида қилинса, натижа хайрли бўлади. Биз ҳам бу хусусда муваффақиятсиз, билимсиз инсонлармиз. Ихлосимиз, тақвоимиз йўқ. Бу ишнинг кўзини билмаймиз. Бир раҳбар қаноти остига кирмасак, ҳолимиз паришон, ишларимиз ярим-ёрти қолади. Чунки қаршимиздаги кучли душман бўлмиш шайтон ва нафс биз учун жуда таҳликалидир.

Нақшбандия тариқати маънавий-комилликка етишишлик ва Ҳақ таолонинг хос дўстларидан бўлишликка етакловчи йўлдир. Бу йўлда юривчилар Ҳақ ризолигига эришиш учун риёзат, қаттиқ саъйи-ҳаракат, жидди-жаҳд талабида бўлишлари шарт. Чунки,

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

«Албатта Аллоҳ яхшилик қилувчиларни, ибодатни жону кўнгилдан адо этган бандаларини севади» (Бақара, 195-оят).

Тариқатда ҳуфия зикр одобларини бажаришдан олдин бу йўлда юривчи солиқ Пирга байъат қилган бўлиши керак.

إِنَّ الدِّينَ يُبَايِعُكَ إِذْمَا يُبَايِعُونَ اللَّهَ يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ

«Эй Муҳаммад, дарҳақиқат сизга байъат-қасамд адо этган зотлар ҳеч шак-шубҳасиз Аллоҳга байъат қилурлар-Аллоҳнинг қўллари уларнинг қўллари устида бўлур» (Ал-фатҳ, 10-оят).

يَا أَيُّهَا الذَّبِيُّ إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنَاتُ يُبَايِعْنَكَ عَلَى أَنْ لَا يُسْرِكْنَ بِاللهِ شَيْئًا وَلَا يَسُوغْنَ يَرْزُقِينَ وَلَا يَفْقُنَ أَوْلَادَهُنَّ وَلَا يَأْتِينَ بِبُهْتَانٍ يَفْقَرِيَهُ بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَأَرْجُلِهِمْ يَعْنِيَنَّكَ فِي مَعْرُوفٍ قَبَايِعُهُنَّ وَاسْتَعْفِرَ لِهِنَّ اللهُ إِنَّ اللهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ

“Эй пайғамбар, қачон сизнинг олдингизга мўминалар-иймон келтирган хотинлар келиб, сизга ўзларининг Аллоҳга бирон шерик қилмасликларини ва бошқа гуноҳлар қилмасликларига... байъат қилсалар, сиз уларнинг қасамдларини қабул қилинг ва улар учун Аллоҳдан мағфират сўранг” (Мумтаҳана, 12-оят). Аввал Муҳаммад алайҳиссаломга сўнг тўрт чорёрларга сўнг тариқат пешволарига байъат қилинган ва ҳозирда бу анъана давом этиб келмоқда. Пир билан мурид бир-бирларининг қўлини икки қўллаб ушлайдилар, пир муридни гуноҳ иш қилмасликка, суннатга тобеъ бўлишига, силсилаи шариф бошловчиси бўлмиш Ҳазрат Саййиди коинот Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдан то ўзигача бўлган силсила пирларини ҳар бирига байъат қилдиради.

Байъат қилишдан мақсад мурид пирни доим кўриб туради, у билан доимо жонли суҳбатда бўлади. Пир назари мурид кўнглини назорат қилиб туради, тўғри йўлни кўрсатиб туради. Мурид ботинида ўзгариш бўлганини сезади. Пирга байъат қилмасдан бу йўлда юришлик Ҳазрат Баҳоуддиннинг айтиши бўйича, «Ёш боланинг қўлига чақмоқтош берган билан баробардур». Пайғамбар алайҳиссалоту васаллам айтганки: “Ман файса ла хуш-шайху фишайху хуш шайтон”. Яъни, “Кимнинг шайхи бўлмаса унинг шайхи шайтондир”.

Пайғамбаримиз с.а.в. нинг иршодлик фаолиятларини, даъват ва тавсияларини авлиёуллоҳлар, муршиди комиллар, уламои аъзам ва машойихи киромлар бажариб келганлар. Пайғамбар алайҳиссалом: “Пиру-комил олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир”, - деганлар. Зеро, улар пайғамбарлардан олган ҳукмларни бажариб, таблиғ ва иршод вазифасини давом эттирган, инсонларни Ҳақ ва ҳақиқат йўлига даъват этган кишилардир. Бу ўта муҳим вазифадир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Қуръони Каримда буюрадики:

وَمَنْ أَحْسَنُ قَوْلًا مِّمَّنْ دَعَا إِلَى اللَّهِ وَعَمِلَ صَالِحًا وَقَالَ إِنَّنِي مِنَ الْمُسْلِمِينَ

“Аллоҳнинг йўлига даъват қилган инсондан кўра яхшироқ, хайрлироқ, савоблироқ иш қилган, самаралироқ киши борми? Бошқа ким ҳам бундай хайрлироқ ишни бажара олади?!... Энг улуғ хизмат инсонларни Ҳақ йўлига чақириш, шу йўлга киришга сабаб, восита бўлишдир” (Фуссилат, 33-оят).

Бир инсон бошқа бир инсоннинг тўғри йўлга киришига васила бўлиши, уни жаҳаннам йўлидан қайтариб, жаннат йўлига бошлаши, жаннати бўлиши дунёдаги барча нарсага эга бўлишидан кўра яхшироқ, хайрлироқдир. Энг асосий вазифа шундан иборат. Бутун инсонлар учун бу вазифани амалга ошириш, исломни, ҳалол ва покизаликни жорий қилиш керак. Уларни охираат ҳисоб-китобидан огоҳлантириш лозим.

وَالَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظَاهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَكَفَىٰ بِلِلَّهِ شَهِيدًا (۲۸) مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ

“У (Аллоҳ) Ўз пайғамбари (Муҳаммад алайҳис салом) ни ҳидоят ва Ҳақ дин (ислом) билан, у (дин) ни барча дин (лар) га ғолиб устун қилиш учун юборган зотдир. Аллоҳнинг ўзи (ушбу ваъдасини рўёбга чиқишига) етарли гувоҳдир. Муҳаммад Аллоҳнинг пайғамбаридир”. (Фатҳ, 28-29 оят).

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло уламога масъулият юклаган. Улар ҳеч кимдан кўркмайдилар, ҳеч кимдан чекинмайдилар, ҳақ сўзни ҳар ерда гапирадиган инсонлар бўлишлари лозим.

Ҳақдан, илму маърифатдан гапирилмайдиган ерда ҳақсизлик, зулм ҳоким бўлади. Дин бузилади, диндорлик, диёнат, ҳалоллик сусайиб кетади. Аллоҳ севмаган, хоҳламаган, рози бўлмаган фахш ишлар юзага келади. Инсон жоҳил эмас, фақат бунинг учун ҳақиқатни тушунтириш, ношукурлик зарарларидан огоҳлантириш ва халқни иршод қилиш энг аҳамиятли, муҳим вазифадир.

НАФСНИ ЖИЛОВЛАШ

Нафс тарбия топмаса инсон нажот топа олмайди. Тақво лозим, тақво бўлмаса амаллар қабул бўлмайди. Ихлос лозим, ихлос бўлмаса инсоннинг ҳажжи, закоти каби ибодатлари қабул бўлмайди.

Одам боласи кайфу сафони, завқни, ҳузур-ҳаловатни, сайру томошани яхши кўради. Чунки инсоннинг ичида “мен”и бор.

Бу нафс вужудни, инсоннинг моддий борлигини, манфаатларини таъминлашга ҳаракат қилади, зеро унинг вазифаси шудир. Яратилиши ҳам ўз ўрнида, тўғридир, яхшидир, яхши яратилгандир. Чунки инсон нафси яратилмасайди, инсон оч қолганини, чарчаганини, дам олиши керак бўлган пайтини билмасди. Унинг ўз вужудини идора қилувчи бир бошлиққа эҳтиёжи бордир. Бу идора қилувчи нафсдир.

Нафснинг вужудга фойдали, инсоннинг моддий борлиғи учун жуда зарарли истаклари ҳам бор. Бу истаклар “шаҳовати нафсоний”, яъни нафснинг истаклари, кучли орзулари дегани.

Бу йўлда ҳар хил тушунчалар, талаблар, истаклар бўлади. Улар эса “ҳавоий нафс”, яъни нарсанинг ҳавоий истаклари, орзулари дегани. Чунки,

إِنَّ النَّفْسَ لَأَمَّارَةٌ بِالسُّوءِ إِلَّا مَا رَحِمَ رَبِّي ۗ إِنَّ رَبِّي غَفُورٌ رَحِيمٌ

“Нафс-агар Парвардигоримнинг ўзи раҳм қилмаса албатта барча ёмонликларга буюрувчидир” (Юсуф, 53-оят). Демак, нафс инсонларга ўз ҳукмини ўтказиш, талабларини қондириш учун уларни ёмон йўлларга бошлар экан.

Биламизки, ичимизда саркаш, жиззаки, орзулари шиддатли, нафс деган бир борлиқ бор. Бир нарсага етишда оёғини тираб, ўшани хоҳлайди. Инжиқ бола каби гапга кулоқ солмайди: “Йўқ, шуни берасан, шуни хоҳлайман”, деб туриб олади.

Шундай - “шаҳовати нафсоний”, яъни нафс истаклари киши умрининг охиригача давом этади. Ёшлигида “шаҳоватул ботн” еб-ичиш орзуси, “шаҳоватул фарж” балоғат ёшида йигит қизни, қиз йигитни истайди. Йигитликда беғубор ва беҳуда хаёллар чулғай бошлайди. Уйланганда бола-чақали бўлади, тирикчилик учун пул лозим бўлади. Тирикчилик дегани осон нарса эмас. Энди пул-молни “хуббул жамъил мол” яхши кўра бошлайди. Ҳаммага маъқул бўлиш олқишлар олиш “хуббул жон” истаги бошланади. Бирор ерда бир раҳбар бўлсам, мансаб эгаси “хуббул риёсах” бўлсам, - деб орзу қила бошлайди. Бу орзуларнинг орқасидан инсоннинг умри кечади.

Ҳазрати Пайғамбар с.а.в. “Сенинг энг хавфли душманинг шу икки елканг орасидаги нафс ичингда борлигинда”, чунки орзулар ичдан келади, гуноҳ қилади, ёмонлик қилади, жамиятни остин-устун қиладиган ишлар қилади.

Пайғамбар с.а.в. дейди: “Ақлли ва закий бўлган киши нафсини жиловлаб, итоат остига олиб, охиратга ҳозирланган кишидир. Аҳмоқ эса нафсининг ҳар бир буюрганини бажариб, ундан сўнгра “Аллоҳ раҳимлидир, Ғофурдир, кечирар, архамар роҳиминдир дея гумон қилади”.

Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоятдирки: “Кимнинг нияти охират бўлса, охиратни истаса, дунёни кўзи кўрмайди, унга аҳамият бермайди. Натижада Аллоҳ унинг ишларини рост келтиради, кўнглини бой қилади, хузур-ҳаловат беради, мол-дунё беради. Охиратни ўйламай дунёнинг орқасидан елиб-югурган инсоннинг ишларини Аллоҳ тўзғитиб юборади. Камбағаллик хавфини икки кўзининг ўнгида гавдалантиради”.

Кимдир охират йўлини, Аллоҳнинг амрларини астойдил ихлос ила бажарса, кимдир зўрма-зўраки, малол билан адо этади. Баъзан ҳаромларга ҳам ўралашиб қолади, савобли ишларни қилишда ғайрат қилмайди, танбаллик қилади, оксайди.

(۸) فَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ خَيْرًا يَرَهُ (۷) وَمَنْ يَعْمَلْ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ شَرًّا يَرَهُ

“Бас, ким зарра (хаёти-дунёли пайтида) мисқоличалик яхшилик қилса, (қиёмат кунида) ўшани кўради. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!” (Залзала, 7-8-оятлар).

Аллоҳнинг розилигига еткарувчи, улаштирувчи йўл-тақво йўли, эҳсон йўли дейилади. Тақво кўрқиш, сақланиш, ўз-ўзини сақлаш дегани. Киши Аллоҳдан кўркиб, гуноҳлардан ҳаромлардан, Аллоҳ ёқтирмаган ишлардан ўзини сақлагани учун ҳам “тақво йўли” дейилади.

Фақат кўз кўриб, ислар сезадиган нарсанигина тасдиқлайдиган бўлиб қолишдан сақланиш керак. Бу хайвонларга хос табиатдир. Инсон хайвондан ажратувчи илоҳий сирга эгадир. Бу сир осмонларга, ерга ва тоғу-тошларга ошкор этилганида улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Бешта сезги олаmidан ташқаридаги нарсаларни идрок қилиш инсонни хайвондан ажратувчи ўша сир оламидагина мавжуд. Кимки бу ҳақиқатни унитса, уни эътиборсиз ташлаб қўйса, хайвоний даража билан қаноатланиб, моддиятдан нарига ўтмаса, демак у ўзини ўлдирибди. Аллоҳ ҳам уни ўзлигидан унитдирибди.

Шундай экан, нафси истаса ҳам, гуноҳ, ҳаром ишлар қилишдан ўзини сақлайди. Нафс хоҳламаса ҳам, савобли, ҳайрли ишларни бажаради, савоб топади. Аллоҳнинг ғазабига йўлиқишдан кўрқади.

Ҳадиси қудсийда айтиладики: “Эй одам фарзанди, сен то тўрт хил ўлимни тотиб кўрмагунингча Аллоҳ учун холис бирор амал қила олмайсан. Биринчиси-қизил ўлим, яъни, подшоҳлардан, жоҳиллардан ва рўзғордан етиб турадиган жафоларни кўтара билиш ва уни халқдан даф қилиш. Иккинчиси-оқ ўлим, яъни, тилни турли ёмон сўзлардан сақлаш. Учунчиси-қора ўлим, яъни, нафс-ҳавога қарши ҳаракатда бўлиш. Тўртинчиси-сарик ўлим, яъни, ҳар бир нарса ва воқеадан ибрат олиш”.

Демак, тақводор бўлиш, тақво доирасида фаолият кўрсатиш, ўзини асраш ва сақлашга ҳаракат қилиш керак. Бу ўринда нафс билан жиҳод қилиш керак бўлади. Нафс гуноҳ қилишни яхши кўради ва хоҳлайди, кўнгил очарлик қилишни хуш кўради. Савобли ишларни эса ётирмайди. Хайрли, савобли ишлар қилиш машаққатли кўринади, қочишга ҳаракат қилади. Хайрли ишлардан қайтаришга тиришади.

Шундай экан, Аллоҳнинг розилигига эришишнинг йўли нафсга қарши курашишдан иборатдир. Мана шу муҳолифат, кураш-тақво йўлининг тасаввуфнинг энг муҳим масаласидир. Инсон нафсини қўлга олгандан кейин, енггандан кейин, нафси истамаган нарсани “савобли, фойдали, хайрли”, деб мажбуран бажартиради, нафси ёқтирган нарсани эса “гуноҳ, ҳаром, Аллоҳ севмайдиган иш” деб қилдирмайди, хоҳиш, шиддатини сўндиради. Демак, нафс билан курашиш, уни тизгинлаш орқали Аллоҳнинг розилигини топишга эришиш мумкин.

Шунинг учун “тасаввуф”, “тариқат” деб айтаётганимиз-нафсни тарбиялаш йўли бўлиб, энг қимматли йўлдир. Ислоннинг асли, ҳақиқати, асоси, жон томири-тасаввуфдир, нафс тарбиясидир. Нафс тарбияланса, инсон таскин топар, хузур-ҳаловатга эришади.

قَدْ أَفْلَحَ مَنْ زَكَّاهَا (۹) وَقَدْ خَابَ مَنْ دَسَّاهَا (۱۰)

“Даҳақиқат уни (яъни ўз нафсини-жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топади. Ва у (жонни фисқ-фужур билан) қўшиб хорлаган кимса номурод бўлади”. (Шамс, 9-10- оятлар).

Инсон қалбини поклаш керак. Аллоҳ таоло инсоннинг суратига, мавқе-мақомига эътибор бермайди. Қалбига, амалларига, ниятларига қараб баҳо беради. Шунинг учун инсон қалбини поклаши муҳимдир.

РОБИТА

Робита луғатларда боғланиш, алоқа ўрнатиш маъносида келади. Инсон ибодат пайти Аллоҳ билан алоқада бўлиши керак. Аллоҳни ўйлаши, ибодатда эканлигини билиши ва ўқиётган оятларнинг маъносини ҳис этиши англаши керак. Мана шу ҳолат робитадир. “Атта ҳийят”да калимаи шаҳодатдан сўнг “Ассаламу алайка аййуҳан набиййу ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ”, деймиз. Расуллоҳга с.а.в. хитоб қиламиз. Худдики, у зоти бобарокат ўша пайт рўпарамизда тургандек бўлади. Мадинаи Мунаввара бу жойда неча минг чақирим узоқдаки овозимиз етса. Агар маънавий бир робита бўлмаса “Ассалому алайка”, деган хитобимиз абас бўлади, бекорга кетади. Абас нарса эса намозда жоиз эмас. Намоз мукаммал бўлиши учун: “Робитага ишонамиз, робита керакдир”, дея ўйлашимиз лозим. “Ассалому алайка” деган пайт маънавий бир алоқа саломимизни Расуллоҳга с.а.в. етказди. Пайғамбаримиз с.а.в. бундан хабардор, Робита оралиқдаги шу боғланишдир.

Инсон бу дунёда ким билан бирга бўлса, кимни севса, охиратда ҳам у билан бирга бўлади. Бинобарин, бу севгининг давом этиши учун қалбан ўйлашимиз лозим. Шунда бу севги ҳамиша давом этади. Алоқа узилиб қолмайди. Муҳими, робитанинг давомли бўлишидир. Бу севги, бу алоқа бир-икки соатлик эмас, балки ўлимгача давом этади. Мўмин учун муҳим жихати ҳам ўлимдан кейинги абадий дўстликдир.

Аллоҳ зикрига машғул бўлишдан аввал мурид “Робитаи мавт”, “Робитаи муршид”, “Робитаи ҳузур” тушунчаларини ҳам билиши керак.

“Робитаи мавт” - ўлим билан боғланиш.

وَاعْبُدْ رَبَّكَ حَتَّىٰ يَأْتِيَكَ الْيَقِينُ

“Эй банда, Парвардигоринга ибодат қилгил то ўлим келгунча” (Ҳижр, 99-оят). Яъни бу ҳаётнинг фонийлигини, бир кун келиб ўлишимизни ўйлашимиз зарур.

Ўлим фариштаси-Малакул-мавт. Яъни Азроил алайҳиссалом ёнингизга келгач, сизда бир кўрқув-ҳаяжон бошланади. Кўксингизга чўкиб, жонингизни ола бошлайди. Бир талваса, бир тер, бир кўрқув ва бир жоначиғи. Шунда илоҳий елиб, яъни Аллоҳдан мадад иноят етиб, “Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва расулуҳу” дейсиз, шундай қилиб, руҳингизни таслим қиласиз.

Жасадингизни ювишади, кафанга ўрашади, тобутга солиб, жаноза намозингизни ўқишади. Буларни кўз олдингизга келтирасиз: мана, халойиқ тобутингизни олиб кетаётир, мана, қабристонга келтиришди, дафн этишди. Қуръон тиловат қилишиб, халқ тарқалиб кетишди. Сўроқчи фаришталар келиб, сўроқ-савол бошланади: “Роббинг ким? Пайғамбаринг ким? Дининг қайси? Китобинг қайси? Қибланг қаер?”

Буларга “Роббим Аллоҳ, Пайғамбарим Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам. Диним Ислом, Китобим Қуръони Карим, қиблам Каъбаи Шариф” дея жавоб беришимизни ўйланг. Шунда қабримиз кенгайиб, ёруғ бўлишини ўйланг. Охират оламида, руҳлар оламида авлиёуллоҳ улуғларимиз билан бирга, Аллоҳ таолонинг зикри билан вақтимиз ўтар экан, бирдан дунёнинг охир бўлганини, қиёмат қойим бўлишини тасаввур қилинг! Қиёмат бошланганидан сўнг қабрлардан туришимизни, маҳшаргоҳда тўпланишимизни, Аллоҳнинг инсонларни муҳокама қилишини савоб ва гуноҳларнинг тортилишини, яхшиларнинг бир тарафга, ёмонларнинг бошқа тарафга айрилишини, яхшиларнинг сиротдан ўтиб, жаннатда абадий қолишларини, ёмонларнинг жаҳаннамга отилиб, ёнишларини биламиз. Инсон буларни ўйлаганда жаннатга кирганларнинг нақадар хурсанд бўлишларини, жаҳаннамга таҳланганларнинг эса ловуллаб ёнишларини, аянчли фарёд этганларини, пушаймон бўлишларини ўйлайди. Кўз олдида келтиради. Ўз нафсига хитоб қилиб айтадики: “Эй, нафсим, ўлим ҳақ, қабр ҳақ, қайта тирилиш ҳақ, ҳисоб-китоб ҳақ, мезон ҳақ ақлингни йиғиб ол, девоналик қилма. Бу ҳаётнинг қийматини бил. Охиратда дўзахий бўлмаслик учун ҳозирдан тадбир қил. Жаннатга киришга сабаб бўладиган ишларни бажар. Дўзахга етаклайдиган ишлардан қоч! Дўзахдан ўзингни қутқар, жаннатни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қил. Ҳаётингнинг бир сониясини ҳам бекорга ўтказма, беҳуда сарф этма, зое қилма!”

Бу робитанинг асли, Пайғамбаримиз с.а.в.нинг мавқияларидир. Чунки Пайғамбаримиз с.а.в. ўлимни кўп ўйлашни, кўп эслашни буюрганлар.

Ўлим аччиқ, қўрқинчли бир нарса лекин бу нафс ўлим қўрқувидан бошқа нарса билан ислоҳ бўлмайди. Нафсни ислоҳ қилишнинг энг яхши чораси Пайғамбаримиз с.а.в. тавсия қилганларидек, ўлимни тафаккур қилиш билангина амалга оширилади.

Робитаи муршид – пир билан боғланиш. Яъни кўзларни юмган ҳолда олдингизда пиру-комил устозингиз турганини, у билан маънавий боғланишни ҳис этасиз. Шунинг учун пир билан тез-тез кўришиб туришлик, суҳбатида бўлишлик, маънавий боғланишни тезлаштиради.

“Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳдан қўрқинглар, гуноҳлардан узоқ юринг ва содиқлар билан бирга бўлинглар”. Демак имкон бўлса содиқлар билан бирга бўламиз, имкон бўлмаса, қалбан ўйлаш, Аллоҳ таолонинг амридир. Бир аробий Пайғамбаримиз с.а.в.дан сўради: “Ё Расулulloҳ, қиёмат қачон бўлади?”. Бунга жавобан Пайғамбаримиз с.а.в.: “Қиёматга бирор тайёргарлигинг борми?” -дедилар. “Эй Аллоҳнинг Расули, мақтайдиган бирор амалим йўқ. Бироқ Аллоҳ ва унинг Расулини қаттиқ севаман”, - деди аробий. Расули Акрам с.а.в. шундай марҳамат қилдилар: “Сен охиратда севганинг билан бирга бўласан”. Бунга гувоҳ бўлган саҳобалар: “Ҳаётимизда эшитган энг гўзал гап ана шу, энг кўп қувонган пайтимиз ўша пайт бўлди”, дейишди.

Чунки Расулulloҳнинг с.а.в. юкоридаги сўзлари биз учун буюк бир хушхабардир. Шундай экан, Аллоҳни севайлик. Расулulloҳ с.а.в. ни севайлик. Улар билан бирга бўлишга интилайлик.

Шунинг учун мурид ўз шайхини чин дилдан, самимий бир тарзда севиши, ҳатто уни ўйлаши туфайли шул ҳолга келадики, мурид ўзини доимо шайхнинг ёнида ҳис қилади. “Мен унинг ёнидаман, у ҳам менинг ёнимда, мен ибодатимга кўпроқ диққат қилмоғим лозим, яна ҳам мукамалроқ ибодат этмоғим лозим, зикрларимга жиддийроқ боғланишим, эътибор қилишим лозим деган тушунча келади. Ҳудди шайхнинг ёнида тургандай ибодатини адо этади. Лоқайдликка, бепарволикка, дангасаликка йўл қўймайди. Намозларини янада чиройли ўқийди. Жамоат намозига қўшилади, зикрларни гўзал шаклда, рисоладагидек ва ўз вақтида адо этишга интилади. Инсон бир нарсага кўнгил қўйса, доимо ўшани ўйлайди. Бинобарин, Аллоҳ муридининг қалбига у зотнинг севгисини солгани учун доим ўша муборак зотни эслайди.

Абу Бакр Сиддиқ (р.а) бир куни Жаноб Пайғамбаримизга с.а.в. айтдиларки: “Ё Расулulloҳ мен сиздан ҳеч ажралмайман. Қаерга борсам менинг ёнимдасиз. Ҳатто шундай бўлаётгани, ҳожатхонага кираётганда ҳам сизни ёнимда ҳис этиб ортиқ у ерга боришга уяламан”.

Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) фано фир-расул бўлган эди. Жаноби Аллоҳ Абу Бакр қалбига севгини шу даража жо этган эдики, Расули Акрам с.а.в.ни доимо ҳис қилиб юрар эди.

“Демак, Расулulloҳнинг с.а.в. ҳузурларида қандай ибодат қилсам бошқа жойда ҳам худди шундай ибодат қилишим керак. Усул орқали, қонун-қоидаларга мос, тадбир аркон билан, ҳузур билан, таквир билан ибодатга киришим керак. Чунки, Расулulloҳ с.а.в. ёнимда эканлар шундай бўлади”, деган ҳис унда ҳоким бўларди ва доимо ўзини Расулulloҳнинг с.а.в. ёнидаман деб ҳис қиларди.

Бинобарин, Жаноби Ҳақ муридининг қалбига унинг шайхига нисбатан шундай бир севгини ато этадики, мурид ўзини доим унинг ёнида юргандай ҳис қилади, доимо уни ўйлайди, ибодатларини шайхи ёнида қилган ибодатлари каби хушу-хузур ичида, берилиб қилишим керак дейди ва бу ўй, бу севги, бу баробарлик, бу фано фий-шайхлик уни янада кўпроқ ибодат этмоққа ва сусткашликни тарк этиб, ғайрат-шижоат билан ибодатини энг гўзал тарзда бажаришга ундайди. Чунки бир улуг зот ёнида қилинган ибодат, маълум бир ҳароратни вужудга келтиради. Мурид ана шу доирада ўзининг ибодатига кўпроқ берилади. Мисол, Каъбаи Муаззамада ўқилган намоз билан уйда ўқилган намоз орасида минглаб даража фарқ бор. Каъбада шундай бир хашамат ҳаво борки... минг-минг кишилик жамоат орасида, Каъбанинг бутун шукуҳи, ҳайбатини ўз кўзингиз билан кўрасиз. У жойда инсон титраб намоз ўқийди. Бу намоз уйда ўқилган намозга ўхшамайди. Фано фий-шайхлик муридни шу юксак мақомга ундайди. Ибодатга ҳузур билан киришлигига, зикрларини ўз вақтида ва мукамал тарзда такрорлашда васила бўладики, бунинг манфаати ва аҳамияти чексиздир.

Аллоҳ таоло истаса бизнинг ҳидоятимизни улар орқали насиб этажак, улар воситасида бизни ҳидоятга бошлайди. Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга с.а.в. хитобан шундай марҳамат қиладики:

وَإِنَّكَ لَتَهْدِي إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

“Сен инсонларни мустақим йўлга ҳидоят этяпсан” (Шўро, 52-оят).

Бу нисбат мажозийдир. Чунки Аллоҳ таоло ҳидоят этади, бироқ жаноби Пайғамбаримизни с.а.в. восита қилади. Ул зотнинг с.а.в. воситалари ила ҳидоят топасиз ҳидоят эса Аллоҳ таолодандир.

Сен восита бўлганинг учун уларни ҳидоятга бошладинг, уларга тўғри йўлни кўрсатдинг. Ҳақ йўлни кўрсатганинг учун ҳам улар ҳидоят топадилар. Гуё уларни сен тўғри йўлга бошладинг. Чунки Сен сабаб бўлдинг. Кўрсатмасанг эди, улар тўғри йўлни қаердан топишарди, Сен кўрсатдинг-Мен насиб этдим, уларнинг қалбига ҳидоятни солдим, демокда.

Ҳидоят Аллоҳ таолодандир, фақат жаноби Пайғамбаримиз с.а.в. бир воситадирлар. Чунки бу солих зотлар-тариқат шайхларнинг ахволи ҳам шунга ўхшайди. Ҳидоят Аллоҳ таолодандир, улар эса васила бўладилар.

Мурид Робитаи муршидни маромига етказиб бажарса тасаввуфдаги ривожланиши силсилаи шариф орқали буюкларимизнинг маънавий ҳоллари, файзлари унга ўтади, қилган ибодатларини ҳис қилади, фойдаси кўринади, файзи кўпаяди, ичу ташингиз нурланади, тариқатда ривожланиши бошланади. Бундай ривожланишга “Сайру сулук”, яъни муридининг ўз йўлида, маслагиди юриши, илгарилаб кетишидир. “Робитаи муршид”ни маромига етказиб бажариб юришлиги “Фано Фиррасул”, тасаввуфдаги ривожланиши Расулulloҳ с.а.в. билан маънан боғланишга олиб келади.

Расулulloҳ с.а.в. билан боғланиш эса “фано филлоҳ”- Аллоҳ билан маънан боғланишга олиб келади. Бу “Робитаи ҳузур”га етказилади, яъни Аллоҳ ҳузурини эканлигининг билдирилади.

وَهُوَ مَعَكُمْ أَيْنَ مَا كُنْتُمْ

“Сизлар қаерда бўлсангиз ҳам, У сизлар билан биргадур” (Ҳадид, 4-оят).

Бизнинг кўзимиз Ҳақ таолони кўришга ожиз, шунинг учун кўрмаймиз. Аммо У бизни кўради, ҳар биримизнинг ҳолимизни билади, ҳар бир ишимиздан хабардор.

Кўзингизни юмганингиз биланок, Аллоҳнинг ҳузурини эканлигининг ўйлайсиз. “Сен мени кўряпсан, кўнглимдан ўтганларни билиб турибсан. Сен оламларнинг Роббисисан мен сенинг қулингман. Сен ҳамма нарсага қодирсан, мен сенинг лутфингга мухтожман, мен ожизман, фақирман, сен менга лутф этсанг, менинг ҳолим яхши бўлади. Мен сенинг яхши қулинг бўлишни истайман, менга ёрдам беришингни хоҳлайман. Менга ёрдам бер, токи мен ҳам сенинг севган, яхши қулларингдан бўлай, яхши ишлар қилай. Ё раббий, розилигингга мувофиқ умр ўтказай!”

Даргоҳидаги мурид бу олий мақом ва юксак мартабага етгач, унинг оромгоҳи “Уни ҳудди кўриб тургандек, У сени кўриб туради” мақоми бўлур. Тариқат пешволари унинг эҳсон билан яшаётганлиги ва руҳ билан тирик эканига фатво чиқарарлар. Ва унинг осойиш топадиган мақоми “Билгилки, у сени кўриб туради” мақомидир. У ҳақда “эҳсон билан яшайди ва сир билан тирик” деб фатво берадилар.

Бу ҳақда янада мухтасар айтадиган бўлсак: “У Ҳақ дийдори олами билан хотиржам, сир билан тирикдир. Ҳақ дийдори билан осуда, руҳ билан ҳаётдир. Ҳар иккала вазиятда ҳам эҳсон ҳаётининг денгизи мадақкордир”.

ҲУФИЯ ЗИКР ТАЛҚИНИ

“Аллоҳга олиб борадиган йўллар маҳлуқотнинг ададича эмас – маҳлуқотнинг нафаси ададичадир”. Ахир бир инсон ҳаёти давомида қанча кўп нафас олади. Аллоҳга олиб борадиган йўлларнинг кўплигини шундан қиёс қилса ҳам бўлади. Лекин ишнинг ачинарли бир томони шуки, Аллоҳга олиб борадиган йўлларнинг шу қадар кўп бўлиши билан бирга, уни излаб тополмасликдир.

Тасаввуфда муридининг мақсадга етиши учун амал қилиши шарт бўлган ишларидан бири зикрдир. Қуръони Каримнинг икки юздан ортиқ ерида зикр сўзи келади. Саксондан ортиқ жойида зикр қилиш амр этилган. Осон ва савоби кўп ибодатдир. Аллоҳ ризосига эришишнинг энг қисқа, энг савобли йўли зикрдир.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّكِرُوا اللَّهَ نِكْرًا كَثِيرًا (٤١) وَسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا (٤٢)

«Эй иймон келтирганлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар! Ва эртаю кеч У зотни поклаб, тасбеҳ айтинглар!» (Ахзаб, 41-42-оятлар). Аллоҳ амр этгани жиҳатидан ҳам ҳаммада зикр қилиш мажбурияти бор. “Намоз ўқинг”, дегани учун намоз ўқиймиз. “Рўза тутинг”, дегани учун рўза тутамиз. “Ҳажга боринг”, дегани учун қанча машаққатлар чекиб, ҳаражатлар қилиб, Ҳажга борамиз. “Зикр қилинг!”, деган экан, демак, зикр қилишимиз керак.

فَاتَّكِرُونِي أَتَّكِرْكُمْ وَاشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُون (١٥٢)

“Бас, Мени зикр этинг, Мен ҳам сизларни зикр этаман, Менга шукр қилинг, куфрон қилманг” (Бақара, 152-оят). Тўрт қисмдан иборат бу ояти каримада Худои таборак ва таоло бандаларига қарата аввал “Мени зикр, ёд қилинглр”, доимо Мени зикр қилиб юринглр, ибодатларни вақтида бажариб юринглр деб марҳамат қияпти. Яъни ҳар бир инсондан ҳаракат қилишлик талаб қилиняпти. Иккинчи қисмида “Мен ҳам сизларни зикр, ёд этаман”, деб марҳамат қияпти. Аллоҳ ҳам сени зикр этса. Ўйлаб кўр, коинотни яратган, оламларнинг Робби сени зикр этса! Ким билади бу зикрдан у бандаси нималарга эришади? Таърифлаб бўлмас даражаю мартабаларни қўлга киритиши мумкин!

Шунинг учун зикр бир вазифангиз бўлади. Сиздан фақат ҳаракат талаб қилинади. “Назар бар қадам”, яъни Аллоҳ ризосини топишликда, ҳақиқатга етишликда назари, бутун эътиборини, ҳар бир хатти ҳаракатини шунга қаратиши керак. Барча амалларни сидқи дилдан, ихлос билан бажаришга киришиш керак. Солик ҳар бир ҳаракатидан илоҳий файз олишни билиши керак, ҳар бир амалининг натижасини сезишга ҳаракат қилиши керак. «Ҳилват дар анжуман» яъни солик ботинан Ҳақ билан зоҳиран халқ билан бўлади. Хадиси кудсийда айтиладики: “Бандам мени ёлғизликда эсласа мен уни кўпчилик ичида эсламан, бандам мен томонга бир қадам қўйса мен у томонга ўн қадам қўяман, бандам мен томонга юрса мен у томонга қулоч очиб югураман”. Учинчи қисмида “Менга шукр қилинглр”, Аллоҳ таолони зикр этиясиз У ҳам сизни зикр этипти, Уни зикр қилишлик учун берган неъматларига шукр қилишимиз керак. Ақл неъматини берди Аллоҳни доимо зикр қилишлик У ҳақда тафаккур қилишлик учун, кўз неъматини берди Қуръон ўқишлик, қулоқ неъматини берди қуръон эшитишлик, қўл-оёқ неъматларини берди аҳли қуръонларга боришлик, улар билан бирга бўлишлик, суҳбатида қатнашишлик, уларга хизмат қилишлик учун. Оятнинг тўртинчи қисмида Аллоҳ таоло “Куфрон қилманглр”, деб марҳамат қияпти. Аллоҳ таоло сизни зикр этиб шу дунёда юқори мартабаларга эриштира бундан кибрга кетманг. Аллоҳ Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Мусо алайҳиссаломга айтдики: «Эй Мусо Тур тоғига чиқиб Мени ёд олгин». Мусо алайҳиссалом Тур тоғига чиқиб Аллоҳ хоҳлаганчалик миқдорда Исми зотни ёд олди. Мусо алахиссаломнинг кўнгли нурга тўлди, севинди. Ҳаёлидан: «Ким ҳам менинчалик тўрт минг маротаба Исми зот зикрини қила олади», деб кўнглида ғурурланиш аломатлари ила Тур тоғидан тушиб келаётган эди. Жилға ёнидаги дарахт шоҳида ўтирган қушча Мусога қараб: «Эй Мусо жилғадан бир қултум сув олиб бергин», деб айтди. Мусо алайҳиссалом ҳаёли бўлиниб қушга қараб: «Сув шундоққина олдинда бўлса ўзинг тушиб ича қолмайсанми?»-деб сўради. Қуш айтдики: «Мен ҳар куни Исми зотни саккиз минг бор зикр этаман. Жилғага тушиб бир қултум сув ичаётганимда ажалим келиб қолиб ғафлатда жон беришдан кўркаман», деб жавоб қайтарди.

Азозил алайҳиссалом фаришталарга дарс берар эди. Аллоҳнинг амрига бўйсунмади, куфр қилди ва шайтон алайҳи лаънага айланди. Олган илмларингизни Аллоҳни танитишлик учун бошқаларга ўргатинг.

Куфрга кетмаслик учун солик ўзини доимо тафтиш қилиши, идора қилиши, ташқаридан ўзини кузатиб туриши керак бўлади. Зикрни доимо ўз пири-комил устозидан ўрганган ҳолда бажариб юриши муридни кибрга кетишидан сақлайди. Зикр айта-айта муриднинг кўнглидан занглр, кирлар арийди, йўқолади.

الَّذِينَ آمَنُوا وَتَطْمَئِنُّ قُلُوبُهُمْ بِذِكْرِ اللَّهِ أَلَا بِذِكْرِ اللَّهِ تَطْمَئِنُّ الْقُلُوبُ (۲۸)

“Улар иймон келтирган қалблари Аллоҳни зикр қилиш-эслаш билан ором оладиган зотлардир”. (Ар-раъд, 28-оят). Аллоҳнинг зикри билан қалблар ором топади. Чунки зикр қалбдан ёмон туйғуларни ситиб чиқаради, аста-секин поклайди. Инсоннинг қалби тип-тиниқ порлоқ, мусаффо бир ойнага айланади. Бу пайтда инсон Аллоҳнинг муҳаббатига пешвоз боради. Аллоҳ севган бир бандага айланади. Аллоҳ севгиси унинг ботинида намоён бўлади.

Қалбнинг хузури Аллоҳнинг зикри орқалигина амалга ошади. Муриднинг қалби ҳам зикр қила-қила таскин ва хузур-ҳаловатга эришади. Вақт ўтган сайин у зикрини кўпайтиради. Чунки бу зикр унга кифоя қилмайди. Бориб пиру-устозига: “Пиру-устозим, бу зикр менга озлик қияпти”, дейди. У киши эса зикрлар сонини кўпайтиришини тавсия этади. Зикрнинг баракотидан фойдалана олиш учун ул зот муридига зикрни аста-секин ўргата боради. Муриднинг кучи, солоҳияти, феъл-атворига қараб тавсиялар беради, давомийлик таъминланади. Режа асосида ҳаракат қилинади, шунинг учун муваффақият, илгарилаш имконияти кўпроқ бўлади. Самимий шаклда бу йўлга кирган кишини Аллоҳ таоло ниятига еткази. Аллоҳнинг амрига бўйинсунса, суннатга маҳкам ёпишса, Аллоҳ жуда ҳам кўп хайрларга муваффақ этади.

Инсон қалбида 5та латоиф, яъни Аллоҳ тарафидан келадиган ишоратларни қалбан ҳис этиш жойи мавжуддир. Латоиф деб номланувчи бу нуқталар инсоннинг руҳий – маънавий асос-манбалари бўлиб, зикр ана шу латоифларни уйғотишга, ҳаракатга келтиришга қаратилган бўлади. Токи шу нуқталар уйғотилмас, ҳаракатга келтирилмас экан, инсон табиатан чуқур уйқу ҳолатида бўлгани учун ҳақиқатни мутлақ идрок эта олмайди. “Қалб кўзини очиш” ибораси ана шу нуқталарни уйғотиб, ҳаракатга келтириб бир-бирига боғлашга қаратилган бўлади. Жаноби Ҳакми зикр этмагунча ҳақиқат йўли очилмайди. Хожа Абу Али Даҳқок: “Зикр валийликнинг билагузугидир” демиш. Шу боис зикр мақомига эришганлар учун валийлик даражаси эҳсон этилади, зикрдан йироқлашганларни эса валийлик даражасидан маҳрум қиладилар. Ҳақиқий зикр қалб билан бўлади. қалб зикрига муяссар бўлган солиқ фарз ва суннатлардан ташқари қолган вақтини зикрдан бошқа нарса билан ўтказмаслиги керак. Аллоҳ таолонинг кўплаб исмлари билан зикр қилиш мумкин бўлса-да, исмларининг султони “Аллоҳдир”. Бунинг учун исми зот “Аллоҳ” ҳар бир латоифга ҳар куни камида беш минг мартаба ҳуфия ҳолатда дилдан айтилади. Чунки лафзи Аллоҳ аввалу-охир, зоҳиру-ботин, жалолу-жамолнинг ўзагидур. Агар Қуръони Карим сураларини ўнгдан-чапга ва оятлар сонини пастдан-тепага жойлаштириб сўнг бир-бирига бирлаштириб чиқсак Аллоҳ лафзи кўринади. Бу Аллоҳ лафзи ичига Қуръони Карим ёзилганлигини билдиради. Аллоҳ лафзи ўзак бўлса сура ва оятлар ундан унган новдаларидир.

“Бир инсон Аллоҳ йўлида пул сарфласа Аллоҳ унга 700 баробар савоб ёзади”. (Рамузул аходис 691-б.) “Аллоҳни зикр қилиш-Аллоҳ йўлида пул сарфлашдан 100 баробар зиёдадир”.

“Ҳуфия , овоз чиқармасдан риёсиз ичдан қилинган зикр, жаҳрия қилинган зикрдан 70 марта савоби ортиқроқ”. Демак, ҳадисларга биноан бир марта ҳуфия Аллоҳ дейишлик билан банд 4.900.000 та савобга эришяпти. Яна бир айтса яна шунча. Оз эмас бу! Шундай бир савоб олсангиз, Аллоҳни ризосини тезда қозонасизлар.

“Ёдқард”, яъни Исми зотни дилдан айтишлик учун тил учи тишлаб турилади ва қайси латоифга зарб беришга қаратилган бўлса бош шу тарафга қуйи солинган ҳолда бир маромда чайқалиб туради. “Хуш дар дам”, яъни ҳар бир олинган ва чиқарилган нафасдан огоҳ бўлган ҳолда айтилади. Исми зотни айтиш тезлиги юракнинг ўртача уриш тезлиги билан бир маромда бўлади. Лафзи Аллоҳда “Ал” бўғинини дилда айтганда бош кўкрак томон юради, “лоҳ” бўғини айтилганда бош кўкракдан узоқлашади. Арабча “ح” ҳарфи ҳосил бўлишда товуш “хэ” қорин мускуллари бир оз қисқаришидан ҳосил бўлади ва нафасни ташқари чиқишига мажбур қилади. Зикр айтувчи ўзидан охириги нафас чиқиб кетаётгандек ҳис қилади. Нафас олмасликка чидасин. Шу ўринда “Ёддошт” яъни, Аллоҳни ҳузур билан завқ-шавқ билан зикр қилиш ҳисси пайдо бўла бошлайди. Шу ўринда “Вуқуфи қалбий” калимасини ҳам келтириш мумкин. “Вуқуфи қалбий” нафақат зикрга машғул бўлган пайтда, балки зикрдан ҳоли бўлган вақтларда ҳам қалбни Аллоҳни эслаб туришга эриштириш. “Нигошдошт”, яъни Аллоҳни завқ-шавқ билан зикр қилиш, ҳаёлни бўлмаслик. Бу ҳис йўқолмаслиги учун “робитаи муршид”, яъни қайси латоифга зарб берилаётган бўлса ўша латоифда муршидни тасаввур қилиш керак. Бу эса ҳаёлни ўтмишдан фикрни келажакдан асрашга ёрдам беради. Чунки ҳаёл паришондир. Бутун фикрини муршидга қаратгандагина, унга юзлангандагина, унинг олдида тургандек ҳис қилгандагина “Нигошдошт” мукамал бўлади. Тасаввурдаги мурид атрофида тариқат пешволари руҳониятлари, Расулulloҳ с.а.в. руҳонияти, Аллоҳ исми намоён бўла бошлайди ва улар атрофи нурга тўлаётганлиги кўринади. Ўзи ҳам шу нур ичида йўқ бўлиб кетаётганлигини сеза бошлайди. Яъни “Сафар дар ватан” ҳолатига етишади. Яъни мурид одамийлик қиёфасидан фаришталик қиёфасига ўта бошлайди. Жасади ерда бўлган ҳолатида идроки орқали руҳонияти осмонларга сафар қилиш қобилиятига эга бўла бошлайди.

Имом Газзолийнинг “Кимёи саодати”да айтилишича юрак қоринчасида жойлашган илоҳий руҳ буғ ҳолида бўлади. Мурид зикрга машғул бўлган вақтда руҳ нури орта боради ва қон орқали бошқа аъзоларга оқиб келади ва аъзолар ҳам Исми зот зикрига машғул бўлади дейилади. Бу эса инсондан касалликларни, ҳар хил иллатларнинг чекинишига олиб келади ва бутун ички аъзолар нурлана бошлайди.

Мурид Исми зот зикри билан машғул бўлганида, нафи исбот вақтида ёки бошқа тариқат вазибаларини бажараётган вақтларда “Вуқуфи ададий”га, яъни пир томонидан берилган вазифа миқдорига, сонига амал қилишлиқдир. Мисол, нафи исбот вазифасини бажараётган мурид санокқа эътиборини аниқ қаратиши керакки чунки, бу ҳолда муридга Аллоҳ нури тажаллий ишқи жорий қилинган вақтда мурид Аллоҳ ишқи ила ўзида йўқ ҳолатида, беҳудлик, маст ҳолатида бўлади. Пир буюрган санокқа қаттиқ эътибор бермаса ҳар хил ноўрин ҳолатлар содир этилиши мумкин. “Бозгашт”,

яъни мурид зикр пайтида пир томонидан тайинланган саноққа етганида “Илоха анта мақсуди ва ризока матлуби”, “Илохо, Сен менинг мақсудимсан ва мен Сенинг ризоинг талабидаман”, деб айтади. Муриднинг мақсади Аллохнинг ризолигига эришишдир.

Бир шайхнинг камолотга етишган муриди тушида ўз пири-устозини “Лавхул махфузда” дўзахийлар дафтарида ёзилганлигини кўрган экан. Бу ҳолатни қандай айтишини билмай юриб, бир кун, чиройли тарзда пири-устозига тушини айтган эди. Устози: “Қирқ йилдан бери мен ўзимнинг дўзахийлар дафтарида ёзилганлигимни биламан, лекин мен бундан афсусда ҳам эмасман, хурсанд ҳам эмасман. Бу Унинг иши, менинг ишим унга тобе бўлиш, амрини бажариш, ризоси талабида бўлиш”, дебди. Сўнг дарвеш яна туш кўрдик “лавхул махфузда” шайхнинг исми жаннатийлар дафтарида ёзилган эди. “Вуқуфи замоний”, яъни, айтайлик мурид пир томонидан бир кунда ўн беш минг бор Исми зот зикрини вазифа қилиб тайинлаган. Мурид шу вазифани тўлиқ бажаришга жидди-жаҳд қилиши керакки шу вазифани ўша куни адо қилсин. Ва бу вазифалардан сўнг ўзидаги ўзгаришларни сарҳисоб қилиб юришлиги лозимдир.

Зикрга машғул бўлишликни Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд субҳдан олдин ва шомдан сўнг сокин, танҳо, тоза жойда тиз чўкиб ўтириб, кўзни юмган, тил учи тишлаб турилган ҳолда, хузуъни ҳис қилиб дилдан адо этганлар.

ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً ۗ

“Роббингизга тазарру ва хуфия ҳолда тилак тиланг...” (Аъроф, 55-оят).

Лекин шундай ҳолатлар бўладик, сафарда бўласиз, дунё ташвиши билан оворасиз, у ҳолда ўша юмуш билан банд бўлган ҳолингизда зикр айтиб юришингиз мумкин. Зикр асли қуйидаги қисмларга бўлинади: Исми зот зикри, Таҳлил, Нафи исбот, Далойили ҳайрот, Истиғфор, Чор тасбех, кўшимча вазифа, Тарикатда ўқиладиган хос намозлар.

ИСМИ ЗОТ ЗИКРИ

1. Латоифи қалб. Ҳазрат Одам алайҳиссалом мақоми, чап кўкракдан икки бармоқ эни пастда жойлашган. Латоифи қалбни уйғотиш учун исми зот “Аллох” ҳар куни камида беш минг бор дилда айтилади. Латоиф ҳар мингтага етганда тавалло қилинади. Чунончи: “Парвардигоро, Ҳазрат Одам алайҳиссаломнинг латоифи қалбига тажаллий сифатингни солиб, жорий қилгансан. Уларнинг воситасида Муҳаммад Мустафо с.а.в. латоифи қалбига тажаллий сифатингни солиб жорий қилгансан. Ушбу муршидим воситасида бу бандаи заифнинг латоифи қалбини ҳам ўз тажаллий сифатинг билан жорий қилгайсен! Ўз зотингга яқин қилгайсен!”
2. Латоифи руҳ. Ҳазрат Нух ва Иброҳим алайҳиссаломлар макони. Ўнг кўкракдан икки бармоқ эни пастда жойлашган. Латоифи руҳни уйғотиш учун бош энди ўнг томонга хиёл қуйи солиниб, бир маромда чайқалган ҳолда Исми зот беш минг марта такрорланади. (Дарвоқе, хуфия зикрда овоз чиқармаслик, тил билан айтмаслик, нукул дилга зарб бериш учун тил учи тишлаб турилади). Бунда ҳам Исми зот ҳар мингтага етганда тавалло қилинади: “Парвардигоро, Ҳазрат Нух ва Иброҳим алайҳиссаломларнинг латоифи руҳи пурфутухига сифат-субутинг нурини солиб жорий қилгансен. Уларнинг воситасида Муҳаммад Мустафо с.а.в. латоифи руҳи пурфутухига сифат-субутинг нурини солиб жорий қилгансен. Ушбу муршидим воситасида бу бандаи заиф латоифи руҳи пурфутухига ҳам ўз сифат-субутинг нури ила жорий қилгайсен! Ўз зотингга яқин қилгайсен!”
3. Латоифи сир. Ҳазрат Мусо алайҳиссалом макони, чап кўкракдан икки бармоқ эни юқорида жойлашган. Латоифи сирни уйғотиш учун бош чап тарафга қуйи солинган, юмуқ кўз латоиф жойлашган нуктага қаратилган бўлади. Исми зот беш минг мартаба такрорланади ва ҳар мингтага етганда тавалло қилинади: “Парвардигоро, Ҳазрат Мусо алайҳиссаломнинг латоифи сирини сифат-субунат илоҳинг бирла жорий қилгансан. Уларнинг воситасида Муҳаммад Мустафо с.а.в. латоифи сирини сифат-субунат илоҳинг бирла жорий қилгансан. Ушбу муршидим воситасида бу бандаи заиф латоифи сирини ҳам ўз сифат-субунат илоҳинг билан жорий қилгайсен. Ўз зотингга яқин қилгайсен!”
4. Латоифи ҳафий. Ҳазрат Исо алайҳиссаломнинг макони, ўнг кўкракдан икки бармоқ эни юқорида жойлашган. Латоифи ҳафини уйғотиш учун бош ўнг томонга хиёл бурилиб, юмуқ кўз латоиф жойлашган нуктага қаратилади. Исми зот беш минг марта такрорланади ва ҳар мингтага етганда тавалло қилинади: “Парвардигоро, Ҳазрат Исо алайҳиссалом латоифи ҳафисини ўз сифат-сулбиянг

билан жорий қилгансен. Уларнинг воситасида Муҳаммад Мустафо с.а.в. латоифи ҳафисини ўз сифат-сулбиянг билан жорий қилгансан. Ушбу муршидим воситасида бу бандаи заиф латоифи ҳафисини ўз сифат-сулбиянг билан жорий қилгайсен. Ўз зотингга яқин қилгайсен!”

5. Латоифи ахфо. Ҳазрат Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг макони. Бу нуқта икки кўкрак ўртасида жойлашган. Латоифи ахфони уйғотиш учун бош тўғридан қуйи солиниб тасдик аломати каби чайқалган ҳолда Исми зот ҳар куни камида беш минг бор такрорланади ва ҳар мингтага етганда тавалло қилинади: “Парвардигоро, Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссалом латоифи ахфосига жами зотинг сифатини жам қилиб ўз нурунг билан жорий қилгайсен. Ушбу муршидим воситасида бу бандаи заиф латоифи ахфосига жами зотинг сифатини жам қилиб ўз нурунг билан жорий қилгайсен. Ўз зотингга яқин қилгайсен!”

Яқуний тавалло: “Парвардигоро, бу банданг латоифи қалбидан то латоифи ахфосигача барчасини ўз нурунг ила мунаввар айлаб жорий қилгайсен!”

Эслатма: ҳар бир латоифга пирнинг ижозати билан ўтилади. “Вуқуфи қалбий”, яъни мурид асосий вазибаларидан фориг бўлганида қалб латоифига зарб бериб юриши керак. Чунки, Шайх Фозил Кўхистоний қуддиси сирриҳу тавсияларига биноан латоифи қалб бошқа латоифлар ўзаги ҳисобланади. Мурид ўз диққатини шунга йўналтириши лозимдур.

ТАҲЛИЛ

Шариат бўйича ҳар бир мусулмон ҳаёти давомида етмиш минг бор таҳлил айтиши керак ҳисобланади. Тариқат аҳли эса ҳар куни етти минг бор таҳлил айтиши керак ҳисобланади. Исми зот поёнига етгач, етти минг бора “Ла илоҳа иллаллоҳ” деб таҳлил айтилади. Таҳлилнинг ҳар ўнинчиси айтилганда “Муҳаммадур расулуллоҳ” дейилади.

НАФИ ИСБОТ

Таҳлил тугагач, таҳажжуд намози ўқилганидан кейин субҳи содиқ кирмай туриб, нафи исбот бошланади. Нафи исбот зикрнинг индаллоси, хулоса ва натижасидир. Солик уйда танҳо ўтириб, таҳоратли ҳолда, покиза либос кийиб, таъзим ва ҳурмат билан қиблага юзланиб, “Ла илоҳа иллаллоҳ”ни мадд (чўзиқ унли ҳарф)ларни чўзиб ўқийди, ботинини назорат остига олади. “Ла илоҳа” сўзи табиат илоҳини инкор этиш, “иллаллоҳ” эса Маъбуднинг ҳақ эканини исботлашдир. Зикрдан кўзланган мақсад – зикр айтувчини “калимаи тавҳид” ҳақиқатига етишидир. Кўнгилга келадиган Ҳақдан ташқари ҳар қандай ўткинчи фикр, хаёл ва хою-ҳавасларни мана шу калима билан йироклаштирилади. Натижада, у қалбда Аллоҳ мушоҳада этилади. Бу калимани доимий такрорлаш билан унинг ҳақиқати шу қадар аён бўладики, бу ҳақда Қуръони Каримда айтилади:

الَّذِينَ يَتَّبِعُونَ اللَّهَ قِيَامًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ

“Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар”. (Оли имрон, 191-оят). Ушбу оятда буюрилганидек, доимий зикр туфайли солик ўнгидан парда, зулмат ва хаёллар кўтарилади, Аллоҳнинг лутф булути уни қамраб олади, фазилат ёмғири ёға бошлайди, латофат ва саодат шамоли эсади. Ана шунда баъзи сирлар намоён бўлади, баъзи латоиф саодатлари эшитилади. Сўз билан тушинтириб, изоҳлаб бўлмайдиган баъзи илоҳий лаззатларнинг мазаси тотилади.

Бунда ҳар бешала латоиф соат йуналиши бўйлаб айлантрилади. Айлантриш тартиби қуйидагича: бошланғич ҳолатда бош ўнг томонга қуйи солинган, кўз юмуқ ҳолатда латоифи руҳга қаратилган, тил учи тишланган ҳолда, бурундан чуқур нафас олган ҳолда, бир нафасда латоифи руҳда – ЛА, латоифи ҳафига ўтиб – ИЛА, латоифи ахфога ўтиб – ХА, латоифи сирга ўтиб – ИЛЛАЛ, латоифи қалбга ўтиб – ЛОҲ дейилади. Шундан сўнг яна дастлабки босқич латоифи руҳдан бошланади. Шу бир нафасда калимаи тоййиба мурид иқтидорига қараб тоқ сонларда 3, 5, 7, 9, 11, 13, 15, 17, 19, 21, 23, 25, 27 маротабагача айлантрилиши керак. Дейлик, мурид биринчи нафасда 3 маротаба айлантриди, иккинчи учинчи нафасларда энди пирнинг ижозати билан 5, 7, 9 ва ҳақозо марта айлантриши мумкин. Ҳар нафасдан сўнг тавалло илинади: “Илоҳа анта мақсуди ва ризока матлуби”.

Ҳар бир чиқарилган нафас бошқа латоифларга эмас, фақат қалбга қараб уфурилади, Нафи исбот муриднинг ҳолатига қараб фақат шайхнинг ижозати билан амалга оширилади. Бир нафасда қанча кўп

айлантирилса мурод шунча тугал бўлади. Бироқ машойихлар 27 маротабадан ошмаганлиги маъқул дейишган. Негаки ундан ортиғи саломатликни шикастлаб қўйиши мумкин. Шунинг учун нафи исбот қатъий пирнинг раҳномолигида олиб борилади. Умуман зикрнинг барча босқичларини пир ижозатисиз амалга ошириш қатъиян ман этилади. Чунки нафи исбот айлантирилганда вужуд илоҳий ишқ алангасида лаҳча чўғ бўлиб ёнади ҳол беҳудлиги содир бўлади. Ҳақнинг тажаллийси бандада намоён бўлгач, унда тушунча ҳам тафаккур ҳам қолмайди, у йўқлик аро йўқ, фано ичра фано бўлади. Чунончи, Пайғамбар алайҳиссалом бу ҳақда айтганки: “Аллоҳ таоло бир нарсага тажаллий этса у нарса Ҳаққа бўйсунди ва парчаланиб тўзғиб кетади. Худди Тури Синонинг майдаланиб, ҳавода тўзғиб кетгани каби”. Бу шундай бир ҳолатки, мурид унга эришмагунча, кўриб ҳис қилмагунча уни тушиниб етолмайди. Зикрда ададга, яъни тоқ айтишга риоя қилиш диққатни жамлаш учундир, чунки назар паришондир. Бунинг бошқа тафсири шундайки “Ла илаҳа” (инкор) пайтида башарият вужуди унитилади “иллаллоҳ” (исбот) пайтида эса илоҳият жазабасидан ҳосил бўлган тасарруфлар таъсири ёркин ҳис этилади.

Бу илм мазмун сифатлардан пок қалбда зоҳир бўладиган нурдир. Мана шу нур билан олдин эшитилган, лекин маънолари англашилмаган кўп ишлар кашф бўлади, Аллоҳнинг зотини, боқий ва комил сифатларини, феълени, дунё ва охиратни яратишдаги ҳикматларини, дунё устига охиратни қўйиш тартибини, нубувват, набий ва ваҳий маъносини, фаришталар ва шайтонлар лафзларининг маъносини, шайтоннинг инсонларга душманлиги, анбиёларга фаришталарнинг кўриниши ва пайғамбарларга ваҳий келиш кайфиятини, ер ва осмонлар салтанатини, қалбни билишни, фаришталар ва шайтонлар жамоаси орасидаги фарқни, охират, жаннат, дўзах, қабр азоби, сирот, мезон ва ҳаказоларни ўша нур орқали англайди.

Бу илм ила қалбда зоҳир бўлган нур билан Аллоҳга йўлиқиб, Унинг карим юзига назар солиш, Унга яқин бўлиш, Унга қўшни тутиниш, малаул аъло саодатига мушарраф бўлиш, фаришта ва набийларга яқин бўлиш, аҳли жаннат даражаларининг тафовути, ҳатто, улар бир-бирига осмондаги юлдузга қарагандек қарашлари маъносини англайди.

Бу илм қалб ойнасини ифлосликлардан тозалаб сайқаллаб, Аллоҳнинг сифати ва феълени танишда тўсиқ бўладиган нарсаларни кўтаради. Бу иш шахватлардан тийилиб, ҳамма ҳолатда анбиёларга иқтидо қилиш билан бўлади. Ана шу тақдирдагина қалб мусаффо бўлиб, ҳақ юзага чиқади ва нур таратади. Бу даражага фақат риёзат билан, илм ва таълим билан эришилади. Аммо у илмлар китобларда битилмайди. Ундан бирор нарса инъом этилган киши уни гапиради ва илмдан гапирган нарсасининг аҳлига айланади, музокара ва сирда унга шерик бўлади. Бу иш махфидир. Расулуллоҳ с.а.в.: “Илмнинг макнун (яширин) ҳайъатлиси бор. Уни фақат Аллоҳни таниганлар билади. Агар у ҳақда гапирилса, Аллоҳ ҳақида ғурурга кетганларгина англамайди. Аллоҳ илм берган уламони паст санамаглар. Чунки Аллоҳ унга илм бераётганида паст санамаган”.

ДАЛОЙИЛИ ХАЙРОТ **(Расулуллоҳга с.а.в. саловатлар.)**

Шайх Саид Муҳаммад Жузулий Исфаҳоний томонидан араб тилида битилган Расулуллоҳга с.а.в. саловатлардан иборат. “Далойили ҳайрот” китоби ҳар куни қисм-қисм ўқилади ва ҳафта охирида тўлиқ хатм қилинади. Мутолаа жараёнида Худои Таолонинг 99 исми-сифати ва Расулуллоҳнинг с.а.в. 205 номи зикр қилинади. Чунки “Аллоҳнинг 99 гўзал исми бордир, ким ёд этса жаннатга дахлдор бўлур”. Расулуллоҳ с.а.в.дан: “Менга қаерда бўлмангиз саловат юбораверингиз” деган ҳадис бор. Далойили ҳайротнинг савоби Расулуллоҳ с.а.в. ва ул Жанобнинг аҳли байти руҳониятига бағишланади. Ҳар кунги зикр ниҳоясида бир пора Қуръон тиловат қилинади. Ҳар 30 кунда Қуръони Карим бир хатм қилинади ва савоби ўтган пайғамбарлар, авлиёлардан то ота-оналаргача бағишланади.

Илова. Далойилу ҳайрот фақат пир ижозати билангина мурид иқдидорига, қувватига, амал қилишлигига қараб руҳсат этилади.

ИСТИҒФОР

Мурид бир кун мобайнида 100 маротаба истиғфор айтиши. Яъни, “Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, астағфируллоҳ аллазий маллазий ла илаҳа илла хувал ҳаюл қоюм ва аътуби илайҳ”. Чунки Пайғамбаримиз с.а.в ҳар куни 70 марта истиғфор айтганлар.

Ва яна 100 марта сураи “Ихлос” бисмиллоҳ билан айтилади.

Тавалло, Ушбу ўқиган “Истиғфор” ва “Ихлос” сура савобини Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи васалламга, ўтган аҳли байтларига, жами пайғамбарларга, саҳобаи киромларга, нақшбандия авлиёларига, ўтган ота-она авлодларига бағишланади.

ЧОР ТАСБЕҲ

Нақшбандия тариқатида “Чор тасбеҳ” деб аталувчи махсус зикр ҳам бўлиб, у асосан Бомдод ва Аср намозидан кейин адо қилинади. “Чор тасбеҳ” тасбеҳ ёрдамида айтилади. 1) Субҳоналлоҳ – 100 марта, 2) Алҳамдулиллоҳ – 100 марта, 3) Аллоҳу акбар – 100 марта, 4) Астағфируллоҳ – 100 марта бирин кетин такрорланади. Бомдод намозидан кейин “Чор тасбеҳ” таваллоси: “Парвардигоро, кечаси билан тилимдан, дилимдан ўтган гуноҳларимга каффорат қилгайсан, Ўз зотинга яқин қилгайсан!”. Аср намозидан кейинги “Чор тасбеҳ” таваллоси: “Парвардигоро, кун бўйи тилимдан, дилимдан ўтган гуноҳларимга каффорат қилгайсан, Ўз зотинга яқин қилгайсан!”.

ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР

Муҳаммад с.а.в. суннатларига тўлиқ амал қилишлик. Ҳар душанба ва пайшанба кунлари нафл рўза тутишлик. Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтган эдиларки: “Ҳафтанинг ҳар душанба ва пайшанба кунлари фаришталар банданинг қилган амалларини Худои таборак ва таолога олиб борадилар, шу куни рўза тутишни хоҳлайманки Аллоҳга мени рўзадор ҳолатимда арз қилишсин”.

Таҳоратли юришлик, яъни нафақат бадан таҳорати балки қалб таҳоратида ҳам бўлишлик. Бу кўз таҳорати – номаҳрамларга қарамаслик ёмон жойларга кўз ташламаслик, “Назар бар қадам”, назар доим қадамга қаратилган бўлиши керак. Қулоқ таҳорати – ғийбат, бўхтонларни эшитишдан ҳоли бўлишлик. Оғиз таҳорати – Фисқу-фужур сўзларни айтмаслик. Қўл таҳорати – ношаръий ишларга қўл урмаслик. Оёқ таҳорати – ношаръий жойларга боришдан қочишлиқдур. Ҳадис: “Таҳоратли юришлик-бу иймоннинг ярмини қўлга киритишлик демакдур”.

Қазо намозлари, қазо рўзалари бўлса адо қилишга ҳаракат қилишлик. Нақшбандия тариқатида қуввати етса ҳар бир мурид яна сураи “Ихлос”ни юзтадан минг маротабагача ўқиши мумкин. Ибн Аббос р.а. ривоят қиладиларки: “Мен умматларимнинг азобга дучор бўлишидан доим ташвишда эдим, Жаброил алайҳиссаломдан “Ихлос” сурасининг нозил бўлганлигини эшитиб, кўнглим тинчланди. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ушбу сураи карима шарофати ила умматларимни азобдан халос этди”, - дедилар Расулulloҳ с.а.в.

Расули Акрам с.а.в. айтдилар: “Беш нарса бордирки, дилни равшан қилар: “Сураи Ихлос”ни кўп ўқимоқ, таомни оз емоқ, уламолар бирла суҳбат қилмоқ, кечаси ва сахар вақтида намоз ўқимоқ”.

Ҳазрат Нақшбанд кечалари бу ибодатларнинг барчасини беками кўст бажариш билан ҳам кўнгиллари тўлмай яна тавалло ва фикрилло билан банд бўлганлар. Тавалло – Худога зорлик изхори бўлса, фикриллоҳ – Худони ҳар бир ашёда кўриб, мўъжизасини англаб хайрат водийсида лоли хайрон кезмокдир.

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДА ЎҚИЛАДИГАН ХОС НАМОЗЛАР

وَمِنَ اللَّيْلِ فَتَهَجَّدْ بِهِ نَافِلَةً لَكَ عَسَىٰ أَنْ يَبْعَثَكَ رَبُّكَ مَقَامًا مَّحْمُودًا

“Кечанинг (бир қисмида) уйғониб ўзингиз учун нафл (ибодат) бўлган намозни ўқинг! Шоядки, Парвардигорингиз сизни (киёмат куни) мақтовли (яъни гуноҳкор умматларингизни шафоат қилиб оқлайдиган) мақомда тирилтирур” (Бани исроил, 79-оят).

Шукри вузуъ.

Ушбу икки ракаатли нафл намози ҳар таҳорат олганидан кейин ўқилади. 1-ракаатида икки “Қадр” сураси, 2-ракаатида ҳам бир “Қадр” сураси зам қилинади.

Бағишлов: Аллоҳ таолонинг ўзига бағишланади.

Тавалло: “Парвардигоро, ота-онамни сихат-саломат сақлаб турганинг учун ўзингга беадад шукур қиламан. Уларнинг саломатликларини янада зиёда қилгайсан! (марҳум бўлганда) Ота-онамнинг арвоҳларини мендан рози қил, уларни чин дунё саодатига етказгин!”

Пайғамбар алайҳиссалом айтганларки: “Туннинг учдан бири қолганида таҳажжуд ўқигани турганингларда дарров таҳажжудни адо этманглар, аввал икки ракаат енгил шукри вузуъ намозини адо этинглар”.

“Ё Али, таҳорат қилган вақтингда сувни кўп қуйма ва исроф қилма. Таҳорат қилгандан сўнг “Инно анзалноху” сурасини ўқигилки, эллик йиллик савобни номаи аъмолингга битгайлар”.

Ишрок.

Ушбу икки ракаатли нафл намози қуёш кўтарилгандан сўнг ўқилади. Фотиҳа сурасидан сўнг бир “Оятал курси” ва беш марта “Ихлос” суралари ҳар иккала ракаатига зам қилинади.

Бағишлов: Одам алайҳиссаломдан то Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.гача ўтган жамики пайғамбарлар руҳониятига бағишланади.

Тавалло: “Парвардигоро, шу ўқиган намозим ҳаққи-хурмати бу ожиз бандангни барча сағир-кабир гуноҳлардан пок қил. Латоифи қалбимни жорий қилгайсен!”

Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоятдурки: “Ким бомдод намозини жамоат бирла ўқиб сўнг қуёш чиққунча Аллоҳ таолони зикрида бўлиб сўнг икки ракаат нафл намози ўқиса, Худои таборак ва таоло у бандага бир комил умра ва ҳаж амалини бажарганлик савобини ато этгай”, - деб марҳамат қилганлар.

Истихора.

Ушбу икки ракаатли нафл намози “ишрок” намозидан сўнг ўқилади. Биринчи ракаатга “Кафирун” сураси иккинчи ракаатга “Ихлос” сураси зам қилинади.

Бағишлов: Аллоҳ таолонинг ўзига бағишланади.

Тавалло: “Парвардигоро, шу ўқиган намозим ҳаққи-хурмати латоифи қалбимни жорий қил. Бу бандаи ожизни нақшбандийлар қаторига қўшгайсен!”

“Истихора” бирон нарсани сўрамоқдир. Пайғамбар алайҳиссалом айтганки: “Аллоҳдан қатъиятлилик, хожатмандлик, катта умид билан ҳатто оёқ кийимингизни боғичи узилса ҳам сўрайверинглар”.

Зуҳо.

Ушбу икки ракаатли нафл намози кун чиққандан сўнг соат 10.00 дан то чошгоҳгача (соат 12.00 да ўқилмайди) ўқилади. 1-ракаатида бир “Шамс” сураси ва иккинчи ракаатида бир “Лайл” сураси зам қилинади. Бу намоз яна бир марта бошдан –оёқ такрорланади. Ният бир хил, фақат зам суралари алмашади, биринчи ракаатда “Зуҳо” сураси ва иккинчи ракаатда “Шарх” сураси зам қилинади.

Бағишлов: жами пайғамбарлар ва уларнинг саҳобалари, барча азиз авлиёлар руҳониятига бағишланади.

Тавалло: “Парвардигоро, шу ўқиган намозим ҳаққи хурмати бу ожиз бандангни сағир-кабир гуноҳларидан пок қил, авлиёлар қаторига қўшгайсен!”

Расули Акрам с.а.в. марҳамат қилдиларки: “Ё Али, албатта “Номози чоштни” ўқигаёсан, хоҳ сафарда, хоҳ ўз диёрингда бўлгил. Бехишда бир эшик бордирки, “Бобуз-зуҳо” дерлар, яъни “Чошт эшиги”

демакдир. Қиёмат куни бўлса, нидо қилурлар: “Қани ул кишиларки, “Номози чошт” ўқиган бўлсалар, бу “Бобуз-зуҳо” эшигидан кирсинлар, улар Аллоҳ таолонинг ғазабидан омондадирлар”, деди.

Тухфаи Расул.

Ушбу икки ракаатли нафл намози шом намозидан кейин ўқилади. Биринчи ракаатида бир “Оятал курси” ва уч “Ихлос” суралари зам қилинади. Иккинчи ракаати ҳам худди шундай.

Бағишлов: Жаноби Расулуллоҳ ва унинг аҳли байти руҳониятига бағишланади.

Тавалло: “Парвардигоро, шу ўқиган намозим савобини Жаноб Расулуллоҳ с.а.в. ва унинг аҳли байти руҳониятига етказгайсан. Бу банданга Расулуллоҳ с.а.в.шафоатини насиб этгайсен!”

Пайғамбар алайҳиссалом марҳамат қилганларки: “Менга қаерда бўлмангиз саловат юбораверинглар”.

Аввобин.

Ушбу икки ракаатли нафл намози “Тухфаи Расул” дан кейин ўқилади. Биринчи ракаатида бир “Фалак” сураси ва иккинчи ракаатида бир “Нос” сураси зам қилинади.

Бағишлов: Пири бузруквор нақшбандийлар (уларнинг номлари бир-бир тилга олинади) руҳониятига бағишланади.

Тавалло: “Парвардигоро, шу ўқиган намозим ҳаққи-хурмати авлиё нақшбандийлар қаторига қўшгайсен. Ўз зотингга яқин қилгайсен!”

Расули Акрам с.а.в. айтганларки: “Агар денгиз кўпигичалик гуноҳлари бўлса ҳам “Аввобин” намози анга каффорат бўлур”.

Ҳифзи иймон.

Ушбу икки ракаатли нафл намози “Аввобин” дан сўнг ўқилади. Биринчи ракаатига бир “Кафирун” сураси ва Иккинчи ракаатига бир “Ихлос” сураси зам қилинади.

Бағишлов: Аллоҳ таолонинг ўзига бағишланади.

Тавалло: “Парвардигоро, ушбу намозимни қазо намозларим ўрнига қабул қилгайсен. Тилимдан, дилимдан ўтган ёмонликлар, хатоликларга каффорат этиб иймонимни саломат қилгайсен. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тариқати авлиёлари қаторига қўшгайсен. Ўз зотингга яқин қилгайсен!”

Таҳажжуд.

Ушбу икки ракаатли нафл намози туннинг учдан бир қисми қолгандан то субҳи содиққача ўқилиши мумкин. Ракаатларнинг такрорланиш тартиби қуйидагича: биринчи ракаатида 12 маротаба, иккинчисида 11 маротаба “Ихлос” суралари зам қилинади. Демак, ҳар бир ракаатда биттадан сура камайтириб борилади ва охиригиси ўтирган ҳолда ўқилади. (12 ракаат тик, 2 ракаат ўтирган ҳолда).

Бағишлов: Пайғамбарлар, авлиёлар, алаҳхусус Нақшбандия авлиёлари, барча азизлар, саҳобалардан то ота-онагача бағишланади.

Тавалло: “Парвардигоро, барча сағир ва кабир гуноҳларимни кечир, латоифи қалбимни жорий қилгайсен!”

(Таҳажжуд намозида охириги икки ракаати ўтирган ҳолда адо қилинганлиги учун зоҳирий кўриниши 14 ракаатдир, ботиний кўриниши эса 13 ракаатдир.)

Ойиша Сиддиқа р.а. Расулуллоҳ с.а.в. дан ривоят қиладилар: “Уч нарса менга фарз қилиниб, умматларим учун эса, суннатдир. Биринчиси – витр намози, иккинчиси – мисвок қилиш, учинчиси – таҳажжуд ибодати. Таҳажжудни туннинг учдан бири қолганда икки ракаат икки ракаатдан ўн икки ракаат қилиб адо этардилар ва бир ракаат витр адо этар эдилар. Ўқиёлмай қолганларида кундузи пешиндан олдин ёки асрдан олдин ўн икки ракаат қилиб ўқир эдилар”.

Ривоят қилурларки, Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: “Меърож кечаси Аллоҳ таоло менга беш нарсани васият этди: биринчиси – кўнглингни бойликка, дунёга берма, сени бойлик учун яратган эмасман, иккинчиси – сени дўст тутишим учун муҳаббатинг фақат менга бўлсин, учинчиси – Жаннат истаги билан яша, тўртинчиси – халқдан таъма этма, чунки ҳеч нарсанинг ихтиёри улар қўлида эмас, бешинчиси – таҳажжудни мунтазам адо эт, чунки ёрдамнинг яхшиси тун ярмидадур”.

Эслатма. Бу намозлар қуйидаги вақтда ўқилмайди: 1.Субҳ киргандан то куёш тўлиқ кўтарилгунча, 2.Кун қиёмга (офтоб тиккага) келганда; 3. Аср ва Шом намозлари ўртасида.

Аммо кун чиққандан кейин, Ишроқ ва истихора намозларини, Пешин ва Хуфтон намозлари олдидан ўқиса бўлади. Бу намозларнинг қазоси йўқ, фақат Таҳажжуд бундан мустасно. Таҳажжуд қазосини

Ишроқдан кейин, Пешин ва Асрдан олдин ўқиш мумкин. Бу намозларнинг биронтасини фарз ўрнида кўрмаслик керак.

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ДАВОМЧИСИ

Шайх Эшон Зухриддин қори Нақшбандий Шаҳрихоний 1927 йил 15 январда Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида таваллуд топган. Падари бузруквори Эшонча Махсим Шаҳрихоний XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтганлар. Уларнинг катта боболари Исфара шаҳридаги авлиё Абдуллахон, насаби Амирул-мўмининг Ҳазрати Али Муртазога бориб тақалади.

Ёш Зухриддиннинг ёшлигидан зийрак, илмга чанқоқлиги сезилиб турган. Падари бузруквори ўз ўғлининг илм олишига катта эътибор берган. Лекин ўша вақтларда, Совет Иттифоқи даврида, диний илмларни очикчасига ўрганиш анча мушкул кечган. Шунга қарамай, шариат илмларини пухта ўрганади.

Ёш бўлишига қарамай 1940 йили Москва райони “Қизил Юлдуз” жамоа хўжалигига табелчи бўлиб ишга кириди.

II – жаҳон уруши йилларида кўнгилчилардан бўлиб Совет Армияси сафида фашизмга қарши жанг қилган. Ва “1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги хизматлари” учун медали билан тақдирланган. (№ 346033А3).

1947 йили Асака шаҳридаги қишлоқ хўжалиги ҳисобчиларини тайёрлаш бир йиллик мактабида ўқиганидан сўнг Шаҳрихон (Москва) районидаги “Қизил Ўзбекистон” жамоа хўжалигида ҳисобчи ёрдамчиси бўлиб ишлайди. 1952 йилда район қишлоқ хўжалик бўлимида бош иқтисодчи бўлиб ишлаган.

Давлат ишларида ишлаш давомида у ўзининг диний илмларини ҳам давом эттиради. 1950 йилларда тасаввуф илмига мойиллиги ортади ва нақшбандия тариқатига қадам қўяди. Ўша пайтда авлиёлардан (афтоб макоми) бўлмиш Хўжаназар хожи Шаҳрихоний Деҳқон хожи ўғли қуддиса сирриху ёш Зухриддиннинг биринчи пирларидан бўлган ва тариқат одобларидан, усулларидан собоқ берадилар. Бу зот 1962 йили 72 ёшида вафот этганлар.

Ўша кезларда уйланадилар ва Худованди карим баракотидан тўрт ўғил ва етти қиз кўрганлар. Ўз тани маҳрамлари ҳам тариқат йўлини танлаганлар.

Иккинчи устоз пирлари Марҳамат туманидан, келиб чиқиши Тожикистоннинг Қоратегин музофати Тожиқобод тумани Фатҳобод қишлоғидан бўлган Мавлавий Шайх Фозил Кўҳистоний қуддиса сирриху бўлган. Ул зотнинг пирлари Ҳазрат Халфаи Искандар ал-Арсифий қуддиса сирриху бўлганлар. Ул зот 1932 йилда вафот этганлар. Қабрлари Ўш вилояти Бешбурхон қишлоғида.

Эшон буванинг айтишлари бўйича: “Кундузи давлат ишларидан фориғ бўлганимдан сўнг, ўша пайтларда матоциклим бор эди, шуни юргизиб пир хизматида Марҳаматга равона бўлар эдим. Пир хизматида кечаси билан бўлиб эрталаб яна ишимга қайтиб келар эдим. Ўша кезларда ичимда ботиний қувватим ошиб бораётганлигини шунчалик сезар эдимки, чарчоқларим сезилмас эди. Пир хизматларидан қайтаётганимда пирим кўзига ёш олиб дуо қилардики: “Бизга кечалари ҳам бедор бўлиб хизмат қилаяпсанки, Худованди Карим сени улуғ мақомларга еткарсин”, дер эдилар. Иккинчи пири-устозлари 1958 йил 10 сентябрда 89 ёшида вафот этганлар.

Кундузи давлат ишида, ишдан сўнг пирлар хизматини ўрнига қўйиб баробар олиб борар эдилар.

Учинчи пирлари Абул Аббос Ғойибий қуддиса сирриху (чилтонлардан) бўлган. Бул зот 8 ёшларида Макка шаҳрига бордилар. Байтуллоҳни зиёрат қилишга мушарраф бўлганлар. Беш йил Маккатиллода ва Мадинаи Мунавварада яшаганлар ва 9 ёшдалигида тариқатга кирганлар. Ва даврининг етук авлиёларидан бўлган. Эшон бувани тасаввуфнинг нозик ва сирли оламига олиб кирганлар. 1968 йили вафот этганлар.

Эшон бува ёшликларида сарвиқомат, ўрта бўйли, оқ юзли, елкадор, юзлари таранг тортилган, бир оз чўзиқроқ, қошлари қалин, сер соқолли, ўнг юзида мошдан сал кичикроқ қора ҳоллари бор эди. Пирлари Абул Аббос Ғойибий доим таъкидлар эдики: “Болам, қоматларингиз келишган, чиройли юзлисиз. Юзингиздан ёғилаётган нур кўпчиликини ўзига жалб қилади. Аёллардан эҳтиёт бўлингки улар шайтоннинг қозиғи бўлади. Аёлингизни иккита қилишга уринмангки, улуғ мақомларга етиша олмайсиз, деб, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг байтларини айтганлар:

*Шариатда айтур тўрт хотун,
Адолат қилишига жоиз бир хотун.
Ўзингни Мустафога ўхшатиб,
Гуноҳкор бўлмагин ҳаргиз.
Тариқатга қадам қўйдинг,
Сигмас энди икки хотун.
Нафсинг золиб бўлса узлат қилгин,
Узлат ичра рўза тутгин нафсинг ўлсин...
Нафсин ўлтирган султон бўлур.
Нафси бад шаҳватга берилган,
Охири шайтон бўлур.*

“1978 йилда давлат ишларидан нафақага чиқади.

Тўртинчи устоз пирлари Шайх Муҳаммад Шариф Хусорий қуддиса сирриху бўлганлар. Бу аллома Тожикистоннинг Хусор деган худудида истикомат қилар эдилар. Эшон буванинг диний уламо сифатида камол топишига катта ҳисса қўшганлар. Ва Эшон буванинг иршод олиши шу зотдан бўлган. Бу аллома 1990 йили юз ёшида рихлат этганлар.

Бу муршиди комилнинг биринчи пирлари Имомиддин Хон Бухорий қуддиса сирриху. Бу зот яшаган даврда Бухоро Амирларига устози пирлик қилганлар. Иккинчи пирлари Шайх Муҳиддин ибни Валихон Тўра Ургутий бўлганлар. Бу аллома Саудия Арабистонида вафот этганлар, қабрлари ҳам ўша ерда. Ўғиллари Эшони Шайх ва Насрхон Эшон ўз даврида етук комил инсонлардан бўлганлар. Шайх Муҳиддин Ургутийнинг Эшони Шайх отлиғ ўғиллари узоқ йиллар Тошкентда яшаб, Шароф Рашидовга пири-устозлик қилиб, ҳамсуҳбат, ҳамнафас бўлиб ўтганлар. Шароф Рашидовнинг оталари Абдурашид бува вафотларидан аввал Шайх Эшонни яхши таниганликлари учун: “Ўғлимга тасаввуфдан пири - устозлик қилинг”, деб васият қилиб ўтганлар.

Эшон бува диний илм ва тақводан ташқари, жамоат ишларида ҳам баҳоли қудрат қатнашиб турадилар. Ул зот Бухораи Шариф Баҳоуддин Нақшбанд номидаги “Тасаввуф ва сўфийлик маданияти” халқ академияси Бухора Давлат музей-кўрикхонаси “Нақшбандия” илмий марказининг ҳақиқий аъзосидир. Ёш авлодни комил инсонликка етказиш борасидаги саъйи-ҳаракатлари учун Президент томонидан “Шухрат” медали билан мукофатланган.

“1941-1945 – йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги” юбилей медали билан ҳам мукофатланган.

Ҳар йили пири комил Баҳоуддин Нақшбанд туғилган кунлари Бухорода бўлиб ўтадиган нақшбандлар йиғилишида баҳоли қудрат қатнашиб турадилар. Бу йиғилишларда ўзининг тасаввуф сирлари ҳақидаги маърузалари билан чиқишлар ҳам қиладилар.

САФАРЛАРИ

1969 йилда Миср, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Туркия давлатларида сафарда бўлганлар.

1993 йили август ойида таклиф бўйича Хитой давлатининг Қашқар вилоятида 35 кунлик сафарда бўлганлар. Бу сафарда тасаввуф бўйича бир неча маърузалар ўқиган. Офоқ Хожа яшаган жойларни зиёрат қилган.

1998 йили феврал ойида таклиф бўйича Туркия давлатига сафар қилган 23 кунлик сафар чоғида Истанбул, Анқара шаҳарларида бўлган. Кунёдаги Ҳазрати Мавлоно Жалолиддин Румий кодасаллоху сиррихумо макрабасида рўзанинг 27 кунини ўтказган. Рўза ҳайити намозини Ҳазрат Мавлоно Жалолиддин Румийнинг пири бўлган Мавлоно Шамс Табризий кодасаллоху сирриху масжидида ўқиган. Сўнг таклиф бўйича Туркиянинг Урфаи Шариф, Ҳазрати Иброҳим Ҳалилуллохнинг туғилган ерларини зиёрат қилганлар.

Эшон бува қаерда бўлмасинлар, ҳамма ерда тариқат бўйича маърузалар ўқиганлар.

Тўрт марта Ҳаж сафарида бўлганлар. Ўзларининг айтишларича, биринчи Ҳажни ўзлари учун ўтаганлар. Иккинчи Ҳажни оналари учун ўтаганлар. Учинчи ҳажни оталари учун ўтаганлар. Чунки Совет Иттифоқи даврида Ҳажга бориб келиш учун шароит етарли бўлмаган. Тўртинчи Ҳажга ўз аёллари билан борганлар.

Шайх Эшон Зушридин қори Нақшбандий
710038.
Ўзбекистон Республикаси,
Андижон вилояти,
Шаҳрихон шаҳри,
Нодира кўчаси, № 91.

Шаҳрихоний манзили:

E.mail: zuhrnakshband@mail.ru
rshamr@list.ru
Web.page: naqshbandi.ucoz.com

Нақшбандия тариқати давомчиси
Ҳазрат шайх Эшон Зушридин қори Нақшбандий Шаҳрихоний
Силсилаи шарифи

1. Саййиди коинот Ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллаллоху алайҳи васаллам
2. Ҳазрат Абу Бакр Сиддик розияллоху анху
3. Ҳазрат Салмони Форсий розияллоху анху
4. Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммад Сиддик розияллоху анху
5. Ҳазрат Имоми Жаъфар Содиқ розияллоху анху
6. Ҳазрат Боязид Бастомий қуддиса сирриху
7. Ҳазрат Абул Ҳасан Ҳарақоний қуддиса сирриху
8. Ҳазрат Абу Али ал-Фармадий қуддиса сирриху
9. Ҳазрат Хожа Юсуф Ҳамадоний қуддиса сирриху
10. Ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний қуддиса сирриху
11. Ҳазрат Хожа Ориф ар-Ревгарий қуддиса сирриху
12. Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир ал-Фағнавий қуддиса сирриху
13. Ҳазрат Хожа Али ар-Рометаний қуддиса сирриху
14. Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий қуддиса сирриху
15. Ҳазрат Саййиди Амир Меҳри Кулол қуддиса сирриху
16. Ҳазрат Хожа шоҳи Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандий Увайсий ал-Бухорий қуд.сир.
17. Ҳазрат Хожа Алоуддин Аттор қуддиса сирриху
18. Ҳазрат Мавлоно Яъқуб ал-Чархий қуддиса сирриху
19. Ҳазрат Хожа Убайдулло Аҳрори Валий қуддиса сирриху
20. Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид қуддиса сирриху
21. Ҳазрат Муҳаммад Дарвеш қуддиса сирриху
22. Ҳазрат Хўжа ал-Имганакий қуддиса сирриху
23. Ҳазрат Муҳаммад Боқий Биллоҳ қуддиса сирриху
24. Ҳазрат Имом Роббоний Мужоуддин алфи соний Аҳмад Фарруҳ ас-Сархиндий қуд.сир.
25. Ҳазрат Муҳаммад Маъсум қуддиса сирриху
26. Ҳазрат Шайх Сайфуддин қуддиса сирриху
27. Ҳазрат Саид Нурий Муҳаммад ал-Бадвоний қуддиса сирриху
28. Ҳазрат Шамсуддин Жони-Жонон Мазҳар қуддиса сирриху
29. Ҳазрат Шайх Абдулло ад-Дехлавий қуддиса сирриху
30. Ҳазрат Мавлоно Зиёвуддин Холид ал-Боғдодий қуддиса сирриху
31. Ҳазрат Аҳмад ибн Сулаймон Холид Ҳасан ас-Сомий қуддиса сирриху
32. Ҳазрат Аҳмад Зиёвуддин ал-Кумушханавий қуддиса сирриху
33. Ҳазрат Ҳасан Хилми ал-Кастамоний қуддиса сирриху
34. Ҳазрат Исмоил Нажотий ас-Сағфиронболий қуддиса сирриху
35. Ҳазрат Умар Зиёвуддин ад-Доғистоний қуддиса сирриху
36. Ҳазрат Мустафо Файзий ибн Амруллоҳ ат-Такфурондоний қуддиса сирриху

37. Ҳазрат Ҳасиб ас-Шерозий қуддиса сирриху
38. Ҳазрат Абдулазиз ал-Косоний қуддиса сирриху
39. Ҳазрат Шайх Мухиддин Ургутий қуддиса сирриху
40. Ҳазрат Имомиддин Мавлавий ал-Бухорий қуддиса сирриху
41. Ҳазрат Халфаи Искандар ал-Фарғоний ал-Арсифий қуддиса сирриху
42. Ҳазрат Шайх Муҳаммад Фозил Кўхистоний қуддиса сирриху
43. Ҳазрат Шайх Муҳаммад Шариф Хусорий қуддиса сирриху

ЛУҒАТ

1. Авлиё - Аллоҳ таоло дўсти.
2. Байъат – Аҳдлашув, шартнома.
3. Ботин – 1. Ал-ботин, Аллоҳ таоло исми, 2. Ички кўриниш, ички ҳолат.
4. Басир – 1. Аллоҳ таоло исми,
2. Кўрмоқ.
5. Вараъ – Парҳезкорлик, такводорлик, эҳтиёткорлик.
6. Жазаба – Ўзига тортиш, муриднинг Аллоҳ ишқи туфайли беҳудлик ҳолатига тушиши.
7. Жаҳр – Овоз чиқариб Аллоҳ таолони зикр қилиш.
8. Зикри алония – Ошокора зикр, мурид Аллоҳ исмини овоз чиқариб айтади.
9. Зоҳид – Дунёдан қўл ювган, такводор ва парҳезкор киши.
10. Зоҳир – 1. Аз-зоҳир. Аллоҳ таоло исми, 2. Ташқи кўриниш.
11. Илми ладуний – Худо ҳузуридан бериладиган илм.
12. Ислом – Таслим бўлмоқ.
13. Иймон – Тасдиқ қилмоқ.
14. Иршод – Пирлар томонидан муршидга тўғри йўлни кўрсатиш учун берилган ҳужжат.
15. Муршид – Тариқат йўлини ўргатувчи шайх мақомига етишган пири комил устозлар.
16. Каромат - Аллоҳ инояти ила валийнинг мўъжиза кўрсатиши.
17. Мурид – Тариқат йўлида юрувчи муршидга байъат қилган солик, шогирд.
18. Муруқаба - Аллоҳга юзланиш, билиш.
19. Обид – Умрини ибодатга сарф қилиш.
20. Пир – Иршод олган зотлар.
21. Розииллоҳу анҳу – Аллоҳ рози бўлсин.
22. Робита – Маънан боғланиш, алоқа ўрнатиш.
23. Риёзат – Соликни Аллоҳга етишиш йўлидаги жисмоний ва руҳий меҳнати.
24. Сулук – Тариқат йўли. Хожагон – Нақшбандия тариқати сулук деб аталган.
25. Солик – тариқат йўлида юрувчи. Хожагон-Нақшбандия тариқатида юрувчи шогирд.
26. Саййид (арабча). Тўра (туркча) – Ҳазрат Али р.а. ва Фотима онамиздан тарқалган зурриёдлар.
("Эй, пайғамбар хонадонининг аҳли, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишини ва сизларни бутунлай поклашни истайди, ҳолос". Аҳзоб, 33-оят.) Тафсир, Пайғамбар с.а.в. авлодлари покдир, насабдадир, магар амал қилганлари.
27. Тасаввуф – Аллоҳ таолони билмоқ, Аллоҳ таолога севимли бўлиш учун нафсни тиймоқ.
28. Тахайюл – Хаё қилмоқлик.
29. Таблиғ – 1. Иршод. 2. Исломни бир кишига тушунтириш.
30. Таважжуҳ – Юзланиш.
31. Файз – Тасаввуф истилоҳида бу сўз Аллоҳ ҳузуридан мурид қалбига олиб келадиган нурни билдиради.
32. Фано – Ўз-ўзини унитиш, наинки оламдан тамом ажраш.
33. Ҳамида – Тариқатда юрувчи муриднинг гўзал хулқли бўлиши.
34. Хожа – Чор ёрлардан таркаган зурриёд, Ҳазрат Алининг Фотима онамиздан бошқа хотинларидан таркаган зурриёди.
35. Ҳол – Авлиёлик илми.
36. Ҳуфия зикр – Яширин зикр, мурид Аллоҳ исмини овоз чиқармай дилдан айтиши.

37. Қори- 30 пора Қуръони Каримни ёд олган зот.
38. Қуддиса сирриху – Унинг сирлари муқаддас бўлсин.
39. Қутби замон – Бутун замонни маънавий ва рухий томондан бошқариб, тарбия қилиб туриш вазифаси юклатилган валий.
40. Яловбардор – Йўл бошловчи.
41. Шайх - 1. Шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатга етишган зот. 2. Қария.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, Ҳадис 1-4-томлар. Қомуслар бош муҳаририяти, Тошкент-1991й.
2. Фаридиддин Аттор “Тазкирот-ул Авлиё”, Наманган, 1808 й.
3. Абу Исо ат-Термизий “Аш-шамойил ан-набавийа”, Тошкент, “Чўлпон”, 1992й.
4. Алоуддин Мансур “Қуръони Карим”, ўзбекча изоҳли таржима. Тошкент, “Чўлпон” нашриёти 1992й.
5. Муҳаммад Сиддик Рушдий “Авлиёлар Султони, туронлик валийлар”, Тошкент, “Камалак”, 1995й.
6. Муҳаммад Салим ибн Муҳаммад Раҳим Бухорий. “Дурратул-ваъизин”, “Фан” нашриёти, 2001й.
7. “Ҳадиси кудсий” “Мовароуннахр”, Тошкент, 1996й.
8. “Илоҳий ҳадислар” “Бехзод” фирмаси, 1994й.
9. Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али”, “Баҳоуддин балогардон”, Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти, 1993й.
10. Маҳмуд Асъад Жўшон. “Ислом тасаввуф ва ахлоқ”, “Истиқлол” - Тошкент, 2000й.
11. Хожа Юсуф Ҳамадоний. “Ҳаёт мезони” (Рутбат ул-ҳаёт) Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2003й.
12. Зайниддин Муҳаммад Ғазолий. “Кимёи саодат”. Тошкент, “Камалак”, 1995й.
13. Умар Форук Сайид ал-Жазарий, “Тасаввуф сирлари”. Тошкент, “Мовароуннахр” 2003й.
14. Азизиддин Насафий. “Зубдат ул ҳақойик”. Тошкент, “Камалак”, 1995й.
15. Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний. “Мақоми Юсуф Ҳамадоний” Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2003й.
16. Васлий Самарқандий, “Имом Аъзам тарихи”. Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти, 1995й.
17. Абу Ҳомид Ғазолий “Тавба” китоби Мовароуннахр, 2003й.
18. “Увайсий авлиёлар” 1331 хижрий. Сайид Жалол тўра Фарғони.